



2

**МУҚАДДАССАН,
ОНА ТИЛИМ!**

... ҲАММА НАРСА
СОТИЛАДИ!(?)

3



6

**ТЕЛЕФОНДАГИ АЙТИШУВ
НИҚОБМИ Ё АСЛ ҚИЁФА?**

**1000\$... ГА
«ТИКИЛГАН» ҲАЁТ**
ёхуд «ўч олиш операцияси»
фош бўлди

14



Саховатли олтин куз

“ОБУНА — 2010”

ИНДЕКС:

Якка обуначиларга — 176

Ташкилотларга — 177



КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 октябрда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари кўриб чиқилди ҳамда Президентимиз томонидан шу йилнинг 13 февралда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устивор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

→ Пойтахтимизда миллий меросимиз, қадимий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, эъзозлаш ҳамда тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган “Art Week Style.uz — 2009” санъат ҳафталиги ниҳоясига етди.

БУГУН:

→ Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида 24 октябргача давом этадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси уюшқоқлик билан ўтапти.

→ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганга 20 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган бадиий-маърифий байрам кечалари давом этаётир.

ЭРТАГА:

→ Бутун дунё миқёсида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кун (24 октябрь 1945 йил) кенг нишонланади.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

«Кўнгилёпар» газеталарни ўқимаймиз!»	2
Илм афзалми, оила?	4
Ўзин сомон, бошқаларни бугдой билганлар	5
Энг зукко болалар учун топқирлик машқи	7
Теледастурлар	8-10
«Дока рўмол» қуримаса-чи?	11
Ўз онасига никоҳ ўқиган ўғил	12
Бармоқларга кўчган кўзлар	13
Мажбуран турмуш қурганга жазо бор!(?)	14
Ит бойлик белгисими?	15
Қарғиш кексаликнинг «қуроли» бўлса...	16

МУҚАДДАССАН, ИФТИХОР ОНА ТИЛИМ!

Она Ватан...
Она табиат...
Она тили...

Бир-бирини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тўлдирувчи бу тенгсиз таъриф ва қиёслар замирида ҳар бир халқнинг, миллату элнинг ўтмиши, эртанги нузли тақдири мужассам. Ва бир ҳақиқат аёнки, ер юзиде тилсиз, забонсиз миллат ҳам, халқ ҳам йўқ.

1989 йил 21 октябрь... Она тилимиз — ўзбек тилига Давлат мақоми берилган кун сифатида тарих саҳифасига битилди. Ана шу санадан бери ҳар йили мамлакатимизда Тил байрамлари мунтазам ўтказиб келинади. Энг қувончлиси, айнан истиқлол йилларига келибгина тилга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Ҳар бир оила, боғчаю мактабларда, лицей, коллежлар ва олий ўқув юрларида ҳам она тилимизни қадрлаш, эъзозлаш билан боғлиқ хайрли тадбирлар, бадиий-маърифий кечалар уюштириш анъанасига айланган қолди.

Кун кеча эса юртимизнинг барча гушаларида бу муборак кун шарафига бағишланган учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганга 20 йил тўлиши муносабати билан "Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари" деб номланган мавзуда илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда институт директори, филология фанлари доктори Тўра Мирзаев, академиклар А. Қаюмов, А. Ҳожиёв, С. Фуломов ва бошқа таникли олимлар ўзларининг қизиқарли маърузалари билан қатнашдилар.

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройи катта залида ўтказилган "Тил миллатнинг руҳи" мавзудаги тантанали кеча ўзига хос дастур асосида тайёрлангани билан кўпчилигини эътиборини тортиди.

"Жиззах вилояти Зарбдор тумани Шароф Рашидов номи 1-умумтаълим мактабиде ҳам Тил байрами гоёта қизиқарли ўтди.

«Эътиборли жиҳати, мактаб жамоаси томонидан бу кўтлуг кунга ба-



**Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳонинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.**

**Бир қарасам, ҳар шевангда минг жилолар,
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.
Қодирийлар, Чўлпонлар-у, Абдуллолар,
Сенинг қайтган кунинг мен туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас, Она тилим!**

Муҳаммад ЮСУФ
(“Она тилим” шеърдан)

ғишлаб тайёрланган махсус адабий-бадиий дастур ҳам намойиш этилди. Тадбир якунида мактаб директори, фалсафа фанлари номзоди Анвар Аралов энг яхши ёзилган ишлар ва намуналар деворий газеталар танлови, билимдонлар баҳси голибларига соврин ва мукофотларни топширди”, — деб хабар қилади Жиззахлик Зебунисо Шодмонқулова.

Шунингдек, кун кеча Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежиде ҳам Она тилимизга Давлат мақоми берилган кун муносабати билан «Она тилим — жону дилим» мавзусида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви ҳамда «Сен муқаддасан, она тилим» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

БУНДА СОҒЛОМ АВЛОД—СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ЁШЛАР ТОПАДИ КАМОЛ



Мамлакатимизда уч босқичли кичик олимпиадалар — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» сингари спорт ўйинларининг ташкил этилиши ёшларни янада соғлом ва бақувват бўлиб камолотга эришувида муҳим омил бўлаётир.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида жумла-

дан, Фузор туманида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Туман марказида жаҳон андозаларига мос равишда қайтадан таъмирланаётган ўйингоҳ, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бунёд этилган спорт соғломлаштириш мажмуаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тумандаги 1-сонли ўрта умумтаълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси Рашид Ашуров ёшларни баркамол бўлиб ўсишлари учун бор куч ва маҳоратини аямаяпти. 5-9 синф ўқувчилари ўртасида «Спорт — ҳамма учун» шиори остида футбол, волейбол, баскетбол, кураш, каратэ, шахмат-шашка буйича йигирмадан ортиқ мусобақалар ўтказилди. Замонавий спорт залида ўқувчиларнинг мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ёпиқ турдаги спорт зали ҳамда каттагина ўйингоҳ мавжуд.

Спортга ошно қалб ҳаммиса эзгуликка интилади. Бу бежиз эмас. Спорт фахрийлари Суюн Ортиқов, Баҳодир Аҳмедовлар ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиб келаётганликлари келажакимиз эгаларининг янада чақон, эңчил ва соғлом бўлиб камолга етишларига хизмат қилмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Қашқадарё вилояти.

Оила ва жамият
почтасидан

ЖАВОБ

ШУ ОЙДА ЯКУНЛАНАДИ

Галлаорол тумани, «Кўйтош» кўргони, А.Навоий маҳалласида яшовчи О.Бобоёров ва бошқаларнинг табиий офат натижасида ҳосил бўлган жарликни бартараф этишда амалий ёрдам сўраб ёзган аризаси вилоят ва Галлаорол туман ҳокимликлари, «Жиззахавтўйл» ташкилоти масъул ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида қуйидагилар маълум бўлди:

Табиий офат (сел келиши) натижасида ҳосил бўлган жарликни бартараф этиш учун катта миқдордаги иш ҳажмининг амалга оширилишини ҳисобга олиб, ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг транспорт воситаларини жалб этган ҳолда тош ва тупроқни ташини ишлари бошлаб юборилди ва жорий йилнинг октябр ойида якунлаш режалаштирилган.

Галлаорол туман ҳокимлиги томонидан аризада қайд этилган муаммони қисқа муддатда бартараф этилишини назоратга олинганлигини маълум қиламиз.

К.Жўраев,

Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари.

ОБУНА — 2010

ВОДИЙДА ГАЗЕТА КЎПУ, ЛЕКИН...

Кува туманидаги ўқитувчилар анжуманида кўп йиллар мактабда ишлаб обрў топган муаллима Кароматхон Хожиматова хурсанд бўлиб, ёнимга келди:

— «Оила ва жамият»га обуна бўлдим, опахон! 2010 йилда ҳам ҳар ҳафта уйимизга суюкли газетам келиб турса, мазза қилиб ўқиймиз-да!

— Сиз маҳаллада фаолсиз. Унда чоп этилаётган ҳар бир мақола сизга яқиндан кўмак беради-да.

— Нимасини айтасиз, яқинда «Фарғоналик саёхатчи аёллар» деб бизнинг тарихий шаҳарларга қилган сафарларимиз ҳақида ёзишгач, бирдан машҳур бўлиб кетдим, денг. Кўпчилик табриқлади. Лекин бир томони, «Оила ва жамият»ни Кувадан ҳам, Фарғонадан ҳам тополмадим. «Матбуот дўкони» сотувчилари «Бу нашр кўпроқ обуначиларга юборилади, сотувга жуда кам келади», дейишди...

Даврага келиб қўшилган 11-мактаб (Кува тумани) директори Манзура Юсупова ҳам қувониб сўзлади:

— Бизнинг мактабимизда ҳам «Оила ва жамият»нинг муҳлислари кўп. Янги йил учун ҳам обуна бўлдик. Мен бу газетанидаги ёшлар тарбияси, оилани мустаҳкамлаш, инсон одобиға оид барча ҳаётий мақолаларни қизиқиб ўқийман. Биз юқори синф ўқувчилари билан бундай мавзуларни ўрганиб, муҳокама қиламиз. Узимизга керакли хулоса чиқарамиз. Масалан, 33-сонда «Аёл эркига дахл қилманг» номли ўқишли мақола чикди. Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири хотин-қизларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишидир.

Тўғри, водийда нима кўп тижорат, кўнгилочар (кўнгилпарлари ҳам бор хатто) дейсизми, газеталар кўп. Лекин ўтаётган давр уларни ҳам галвирдан ўтказаяпти. Албатта, бу ҳам ўзига хос рақобат. Аммо нима бўлганда ҳам ўз йўналиши, шакл-шамойили, энг муҳими, содик ўқувчисини топа олган нашргина яшаб қолади. Муболағасиз айтаман, «Оила ва жамият» ана шу мезонга мослиги учун бизнинг Фарғонада унинг ҳар бир сонини интиқ кутувчи муҳлислари бисёр.

Санъат МАҲМУДОВА



Ушбу рағз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

...ҲАММА НАРСА

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

СОТИЛАДИ!(?)

— Болаларга эрмак бўлади, ака, мушукчалардан олакетинг, ўзим кўпайтирганман.
— Сичқон сотаман, сичқон! Беш-олти хилдан бор!

— Тўтиқушнинг сўкинадиганидан керакмасми?

— Тошбақа олинг, тошбақа! Чўлдан тутиб келтирилган...

Яна қаердандир эса овози бир баландлаб, бир оломон шовқин сурони ичида кўмилиб, эшитилмай қолаётган радиотўлқинидан эколог-мутахассиснинг ташвишли сўзлари узук-юлук эшитилди: «Дунё миқёсида экологик муҳит бузилгани боис шу вақтгача энг фойдали деб келинган жонзотлар қирилиб кетмоқда!»

ЯНГИБОДДАГИ ЭСКИ БОЗОР

Пойтахтимиздаги "Янгибод" ихтисослашган бозорида йўқ нарсанинг ўзи йўқ, десак, муболага бўлмайди. Темир-терсақ, эски-туски, кийим-бош, уй-рўзгор буюмлари, техника воситалари, энг сўнгги телефон русумлари, кўхна осори атиқалару фаройиб тақинчоқлар дейсизми, ҳаммаси бор. Албатта, бу гавжум бозорнинг ўзига хос оҳанрабои бўлса керакки, кўпчилик дам олиш кўнлари эрмак учун ҳам у ерга томошага боради. Бу табиий, ва ҳеч қандай ёмон хижати йўқ. Лекин гап бошқа ёқда.

Худди шу фаройиб бозор ичидаги яна бир "бозорча"даги кўрган манзаралар кишини жиддий ўйлатиб қўяди. Яхшиси, мана бу сўзларга эътибор беринг:

«Ўзим "Узғариш"да тураман. Ҳар ҳафта бу ёққа типратикан олиб келаман. Бир кунда 40-50 тагача сотаман. Нархи ҳар хил, сиз боқишга оласизми ё пишириб ейишга? Баҳоси тўрт мингдан саккиз минг сўмгача. Уларни бизниккига вилоятлардан опкелишиб, арзонроққа ташлаб кетишди. Гоҳида 200 та, гоҳи ундан ҳам кўпроқ».

Бу гапларни бидирлаб айтётган 18-19 ёшлардаги қизга қараб, "ана шу митти жониворнинг табиатга, қолаверса, бизларга қанчалар фойдаси тегишини биласизми?" десам, у ўта ҳозиржавоблик билан "нега билмайман, ҳозиргина, сиздан аввал бир

киши сотиб олди, уйда илон бор эмиш, ейди-да", деди...

Секин бир қафас тошбақаларни мақтаб сотаётган болалар "буларни ўзинг териб келганмисан ё сенагяи қишлоқлардан олиб келишадими?" деб сўрайман. У бўлса елка қисади ва "Адамга ёрдамлашяпман, уй-

сам-чи, ҳаммаси соппа-соғ, ана уйимга боринг, яна иккита мушугим болалаган, зато, мен мана шу жой учун йил бўйи патта пули тўлайман, ҳаққим бор" деди баланд овозда.

Албатта, мен кунни кеча кучук ё мушуклар, қушлар ёки сичқон-каламун, хуллас, паррандаю даррандалар "бўлимлари"да кўрган, эшитган воқеа-суҳбатларни бирма-бир келтиришим шарт эмас. Тўри, шу орада бозор паттачилари улар

тобига битилган нодир ва ноёб жониворлар (айрим ёввойи қушлар, типратикан, тошбақа, илон ва ҳоказо)ни аслида сотиш мумкин ёки таъқиқланганлиги билан ҳеч қачон қизиқмайди. Дала-дашларда, табиат қўйнида эмин-эркин юрган ноёб жониворларни худди ўз даласидан пишган ҳосилни йиғиб-териб олган деҳқонлар каби қоплаб келтириб сотади-ганлар-ку ўз нафси, чўнтагини қаппайтириш билан оворадир.

билан бирга унинг муқаддас ва бебаҳолигига доғ туширмаслик ҳам бизнинг инсоний бурчимиз эканлигини наҳот унутайтган бўлсак?

ИЗОҲГА ЎРИН БОР:


...Қибрайлик Абдуқодир дўкончи томорқасидаги қуриган дарахларни кесаётиб, кўча юзига экилган 7-8 йиллик тераклардан ҳам уч-тўрттасини "ким билиб ўтирибди, қурилишга ишла-тиб юборарман" деб, қўшиб кестириб юборди. Бирон ҳафта ўтгач, уни қалин папка кўтарган икки киши йўқлаб келди. Бесўроқ кесилган тераклар ўрни, эни, бўйи, айланаси қанчалигича узок сўраб-суриштиришди. Сўнг унга қилган бу ўзбошимчилиги учун қабул қилинган қонунларга бинотан тегишли тартибда жазолар борлиги маълум қилинганча, қўлига қоғоз тутқазишди.

Эртаси кунни катта жарима тўлаб, уйига қайтган Абдуқодир ака ховлисига кириб-қоқ болаларига бақирди: «Шунча пулни рўзгорга сарфласам бўлмасмиди? Энди сенларам сўроқсиз бир донаям дарахтни кесманлар!»

...Ҳасанбой ака шом қоронғусида уйига қайтаётганида қўшни қишлоқ кўчасида бир эшакни "Нексия"сида уриб юборди. Бир пасда одамлар тўпланди. Эгаси ҳам қаёқдандир югуриб келиб, унга қараб кичкира кетди: "Нима, кўзинг кўрми сеннинг, энди нима қиламан мен, қанча ишларимни битирарди бу бечора, билмайман, хунини тўлайсан! Бўлмаса мелисага айтаман "Мен йўл четида эшакда кетаётганимда уриб кетди" деб" Ҳасанбой ақанинг бу иддаодан бир кулгиси келди, бир... Ҳатто ёши кексароқ киши эшак эгасига қараб "инсоф борми ўзи сенда, буюм атайлаб урмагандир, фалокатда энди" деса-да, оёқ тираб олди. Охири кўплашиб, ҳалиги одамни 150 минг сўм тавон пулига зўрға кўндиришди.

Шуни унутманг, ҳар ненинг эгаси бор, ҳар нарсанинг жавоби. Шундай экан...

Норқобил ЖАЛИЛ



имизда яна бир қопи бор. Бир кунни ўнчасини раҳимим келиб, кўчага қўйворувдим, роса калтак едим", — дейди.

САЛОМАТЛИК ПАТТА ПУЛИ БИЛАН ТЕНГМИ?

Бир маҳал ёш болаларнинг ўтиришига мўлжалланган "манеж"чалардан биридаги мушукча ва кучукчалар оёғи остида зўрға урмалаётган тошбақачани суратга олаётсам, сотувчи аёл "мумкин эмас" дея қўллари билан тўсди. Мен эса "хўш, сизнинг қўлингизда мана шу жониворларнинг соғлигини кафолатлайдиган бирон қоғоз борми" деб сўрасам, у "бўлма-

билан талашиб-тортишиб белгиланган жой ҳақларини ундиришди, турли ёшдаги зотдор ва ўртача кўринишдаги итларнинг ҳужжатлари бор-йўқлигини суриштирувчилар ҳам келиб кетишди. Лекин...

Яна бир ачинарли хижати, айнан ҳайвон ва паррандалар сотиш жойи санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермаслигини бозор маъмурлари билишармикин?

ТАБИАТГА СУИҚАСД

Минг афсуски, бир оддий ҳақиқатни тан олмай илож йўқ: у ҳам бўлса, кеча ҳам, бугун ва эртага ҳам ҳеч ким бу гавжум ва сершовқин жойда номлари Она табиатнинг норасмий ки-

Аммо сизу биз-чи, мутахассислар ибораси билан айтганда, "атроф-муҳит санитарлари" сифатида қараладиган бу жонзотлар (уларнинг қай бири фойдали, қай бири зарарли эканлигини муҳокама қилишга шошилмайлик. Чунки узокни кўролмайдиган калтабин ва чала маълумотларни дастаб қилиб олган айрим тиббиётчи-табибларнинг сохта тавсияси туфайли қанчалаб одамлар илон, типратикан, керак бўлса ҳатто, қурбақаю калтакесақларгача истеъмол қилаётгани ҳақида гапирмас ҳам бўлади — муаллиф) бу тарзда қиргинбарот, талон-тарож қилинишига қачонгача томошабин бўлиб юрaverамиз? Ахир, табиатни "Она" дейиш

ҲАЛОЛ МАНФААТДОРЛИК

ҚАРОВ ВА ИЖРО

Кўпчиликнинг эсида, 2005 йилнинг 5 октябрида мамлакатимиз Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони эълон қилинган эди. Албатта, бу муҳим ҳужжатнинг ўз вақтида қабул қилингани ва унда белгилаб берилган долзарб вазифаларни амалга ошириш бўйича тўрт йил орасида биргина бизнинг Шайхонтоҳур тумани солиқ инспекцияси томонидан амал-

га оширилган ишлар кўлами ҳам оз эмас. Бу эса энг аввало тадбиркорлар манфаатини қимоя қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, эл-юрт қорига ярашни мақсад қилган ва ўз шахсий манфаатидан жамият манфаатини устун қўйганлар ҳар доим қонуний ҳимоя кафолатига эгадирлар. Лекин ўз ҳақ-хуқуқларини билмасдан бу борада турли тўсиқларга дуч келиб, қийналиб юрган тадбиркорлар ҳам учраб туради. Ана шундай пайтда ҳар ик-

кала томон учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтовчи юқоридаги Фармон талабларидан келиб чиқиб фаолият юритаётганимиз туфайли қанчалаб тадбиркорлар манфаати ҳимоя қилинмоқда.

Биргина мисол: инспекциямиз хузурида ташкил этилган "Ишонч" телефонига 38 та тадбиркорлик субъектлари турли масалалар юзасидан мурожаат этишди. Биз бу борада назорат-текширув олиб борганимиздан сўнг бу муаммолар ўз вақтида ижобий ҳал этилди.

Албатта, бугунги кунда ҳар бир тадбиркор қандай фаолият билан шугулланишидан қатъи назар, энди бир оддий ҳақиқатни тушуниб етди: у ҳам бўлса, ноқонуний иш юритиш, ўз нафсини ўйлаш яхшилиққа олиб бормайди. Демак, унинг манфаати қонунларимиз билан ҳимояланган экан, у ҳам энга ҳалол хизмат қилишни ўз бурчи деб билади.

Фахриддин ИБОДОВ,
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси бош инспектори.



ОИЛА ҲАМ АСЛИДА ИЛМ

“Ўрта Осиё маънавий, моддий маданияти, тамаддуни тараққиёти Я.Ф.Фулломов, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, В.А.Лавров, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Б.А.Литвинский, А.А.Семенов, Э.В.Ртвеладзе каби XX асрнинг атоқли олимлари томонидан ўрганилди, бу борада алоҳида мактаб яратилди”.

Бу сўзлар архитектура номзоди Шоира Нурмухамедовани илмий иши авторефератидан олинди. Ваҳоланки, кўна маданиятимизни ўрганиш борасида ҳам бизнинг юрда аҳолий мактаб яратилган, десак муболага бўлмайди. Бу мактаб даргаларининг ишларини қайд этиш, ана шу муаллифлар ишлари кўламини ўрганиш, уларнинг ўзига хос портретларини ярат олиш ҳам алоҳида фан ҳисобланади. Шоира илмий фаолиятининг ана шу мураккаб йўналишини танлаб олди. Унинг илмий иш қилиш учун “Антик ва ўрта аср архитектура си муаммолари Г. А. Пугаченкова тадқиқотларида” мавзусини олиши ҳам бежиз эмас эди. Маълумки, кўпчилигимиз биладиган ўша машҳур Галина Пугаченкова — архитектура номзоди, санъатшунослик доктори, Ўзбекистон ФАнинг ҳақиқий аъзоси, Страсбург (Франция) университетининг фахрий доктори, Германия археология институтини ҳамда Италия Ўрта ва Узоқ Шарқ институтининг мухбир аъзоси, Халқаро архитектура академияси академиги. Мазкур оlima тадқиқотлари асарият Марказий Осиё бадий меросига, унинг археологияси, архитектураси, тасвирий ва амалий санъатига бағишланган. Жонкуяр, катта ақлий салоҳият эгаси бўлган олиманинг маданият, санъатимизни, Марказий Осиё тамаддунини ўрганиш ва уни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳар биримизни қувонтиради. Албатта, Шоира ҳам бу таниқли инсон ижоди бўйича илмий изланишлар олиб боришдан аввал жуда кўп ўйлаган. Яна бир жиҳати, архитектура тарихи ва назарияси йўналишини танлаб тўғри йўл танлаганини инкор этмайди. Лекин...

Очилини айтганда, орамизда илмий ёки ижодий фаолият билан шуғулланишга жазм этган хотин-

қизлар ҳақида ҳар доим ҳам самимий фикр билдирилмайди. Яъни, “нима қиларкин, ундан кўра оила қуриб, тинчгина бола-чақасини боқиб юрмайдими? Илм қилишни эркаклар элласин” дейдиганлар ҳам топилади.

Биз эса худди шу ўринда айнан илмий фаолият олиб бораётган аёллар ҳақида сўзлай туриб, масаланинг ана шу оғриқли яъни оилавий-маиший томони ҳақида ҳам тўхталмоқчимиз. Аёлнинг ўз илмий-ижодий имкониятларини намойиш қилишида Оиланинг ўрни ниҳоятда катта эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, Эслайлик, ХХ

— Айниқса, оиладагилар сизни қўлаб-қувватлашасинга илм ва оилани баравар олиб бориш мумкин.

Зиёлилар оиласида таваллуд топган Шоира, ўзи орзу қилганидай, ўқимишли оилага кўлин бўлиб тушди. Қайнотаси Абдумалик ота ҳам, қайнонаси Лутфиниса ая ҳам, турмуш ўртоғи Шўхрат ҳам олий маълумотли. Илму маърифатнинг кадр-қиммати нечоғли баланд эканлигини яхши билдилар.

— Агар қайнона — оймимнинг дуолари бўлмаганда, уч нафар фарзандимни катта қилишимда кўмак бермаганларидан илмий

ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

лай ўзгартириб юборди. Кейинги уч-тўрт йил ичида, қрлаверса, пойтахтимизнинг муборак 2200 йиллиги юбилейи арафасида олиб борилган жуда катта кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида кўзларни қувонтирадиган иншоотлар, бинолар, йўл ва кўприklar қурилди.

Оқрида айтганимиздай, мазкур диплом иши унинг келажак илмий фаолияти учун архитектура тарихи ва назариясини танлашда ҳам бевосита эмас, билвосита таъ-



«ХОМЧЎТ» — Ўзбек тилининг изоҳли луғатида изоҳланишича, бу сўзда «хом» — форсча бўлиб, чала ишлаган, хомаки маъноларини англатади, «чўт» сўзи эса, рус тилидаги «счёт» сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, ҳисоб-китоб дегани. Демак, «хомчўт» — «хомаки ҳисоб китоб» деган маънони билдиради. Шунингдек, тилимизда «чўтинга тўғри келса» деган ибора ҳам борки, унда ҳам «счёт» ўзгарган. Қизиги шундаки, «чўт» сўзи бутунлай ўзбекчалашиб кетган, ҳатто унинг русча эканлиги ҳам эсимиздан чиққан. У жонли тилда ҳам жуда кўп қўлланади. Эҳтимол, бунинг сабаби ҳисоб-китоб билан боғлиқлигидадир.

«ХОНАНДА» — бу сўз форсийда: ўқувчи, ўқийтган, қори, кўйиш айтувчи санъаткор маъноларини билдиради. Ҳозирда бу сўз фақат ашула айтувчи мазмунида келади. Унинг туб маъносини ўқиш билан боғлиқлиги унутилган. Ҳозирги айрим хонандаларимиз бу сўзнинг туб маъносини англасалар яхши бўларди.

«ЧЎЛИҚ» — бу сўз кичик чўпон, чўпон ёрдамчиси маъносини англатади. Изоҳли луғатда бу сўз шевада деб кўрсатилган. Бироқ адабий тилда ҳам, айниқса, дostonлар ва эртақларда бу сўз кўп қўлланилади.

«ТАҚДИР» — Биз бу сўзни асосан, олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага битилган ёзмиш, қисмат маъносидан тушунаемиз. Шуниси қизиқки, изоҳли луғатда, бу сўзнинг дастлабки маъноси — ҳисоблаб чиқариш, ҳажмини белгилаш, эътироф этиш, фарас, эҳтимол, баҳолаш, қиймат деб кўрсатилган.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

эканлигини исботлаб яшаётган замондошимиз, оlima Шоира НУРМУХАМЕДОВА сийратига айрим чизгилар

асрнинг 60-70 йилларида шу муаммо қўтарилган ва жамиятда ҳаётки «Илм ёки оила?» деган масала кўтарилиб, бу борада баҳс-мунозаралар анча қизиб кетган эди. Ва табиийки, бу борада аниқ бир тўхтамга келинмаган.

Албатта, аёл учун аввало, оила, болалар тарбияси муҳим ва ҳамиша долзарб бўлиб келган. Жамият учун фарзандни дунёга келтириб, уни камил шахс қилиб тарбиялаб, вояга етказиш — аёлнинг муқаддас вазифаси эканлигини Яратганининг ўзи шундай белгилаб берган. Лекин шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни ёддан чиқармаслик керак: Ҳўш, Тангри таоланинг ўзи аёлга катта истеъдод, ақл-идрок ато этган бўлса-чи?

Истеъдодли аёл ўзининг тўғридан-тўғри вазифалари билан бирга бошқа ишлар (бадий ижод, санъат, илм-фан, спорт...)ни ҳам баб-баравар олиб бурса-чи? Бу хоҳ ташкилотчилик, хоҳ илмий фаолият, хоҳ бадий ижод бўлсин... Янги, ХХI аср илмий техника тараққиётига эришиб, оламни ва одамни ўзгартирди, жумладан, инсон қаршида катта имкониятлар ҳам яратиб берди. Илм-фан мисли эс-чўққиларга кўтарилиши билан бирга жамият ҳам тараққий этди, янги давр кишиси камол топди. Буларни алоҳида эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Бугун энди «Илми ёки оила?» деган саволни баҳс-мунозара қилиб ўтириш сал галати туоладиганга ўхшайди. Чунки мақолалик қаҳрамони Шоира Нурмухамедованинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти эса юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизга жонли бир мисол бўла олади.

Тўғриси, биз ҳам худди шу саволни Шоирага бердик. Унинг жавоби қисқа ва лўнда бўлди:

— **АЛБАТТА, ИККАЛАСИ ҲАМ!**

Ва унда бир энг назик жиҳатини ҳам таъкидлаб, қайд этиб қўйди:

ишимни ёқлай олмасдим, — эътироф этади оlima. — Улар ҳам, умр йўлдошим ҳам менинг истагимга қарши боришмади, ақсинча, қўлаб-қувватлашди, мадад бердишди, руҳини кўтаришди.

Болалигидан модельер-дизайнер бўлишни хоҳлаган Шоира мактабни битирган, бундан ҳам кўпроқ ижодий имкониятлар бўлишига умид боғлаб, Архитектура ва қурилиш институтининг архитектура факультетини танлади. Адашмаган экан, у бу факультетда ўзи учун чексиз имкониятларни кўрди. Унингча, санъат, мейморчилик жабҳаси ома-Ватанимизни севишга, унга меҳр қўйишга, шу ўрт фарзанди бўлиб, заминни севиб-ардоқлашга ўргатиш билан бирга, илм оламини сари ёруғ бир маёқ вазифасини ўтади. У ўзи туғилиб-ўсган азим пойтахтимиз — Тошкент шаҳрини ўтмиши ва бугунига жуда қизиқарди. У айниқса, бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан миллий калоритни сақлаб қолишда муҳим ўрин тутувчи Эски шаҳарнинг бутунлай қайтадан таъмирланаётганидан боши осмонга етар, деярли ҳар доим бу жойларни бир айланиб чиқишни қанда қилмасди.

Институтни битираётганида олган диглом иши мавзуси ҳам «Тошкент шаҳридаги «Чувалачи» маҳалласида турар-жой редукцияси» деб аталди. Унинг бу қизиқарли мавзунини танлаб олиши ҳам кўнглидаги орзуларини бир қадар рўёбга чиқарганди бўлди. Изланиш жараёнида ўша маҳаллада ўлчаш-аниқлаш ишларини ўтказди. Шoirанинг мустақиллигини биринчи йилида француз тилида(!) ёқлаган бу иши Халқаро диплом ишлари танловидан биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Албатта, айнан истиқлол даврига келиб, Тошкент шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари пойтахтнинг ҳам ички, ҳам ташқи қиёфасини бутун-

сир этди. Назаридан, архитектура тарихи гўё ўзи ёқлаган диплом ишининг манфиқий давомидай туолади. Киши бир ютуққа эришаркан, аввало, бу ютуқ ўзиники эмас, жамиятники ҳисобланади. Шоира бу ҳақиқатни яхши билди. Дастлаб, илмий ишини ҳимоя қиларкан, биринчи навбатда оиласидан, қайнота-қайнонаси, турмуш ўртоғидан, отасидан, онаси Шоҳиста опадан, илмий раҳбари Нурмухамедовдан, ўзи ўқиган ва хизмат қилаётган Архитектура ва қурилиш институти жамоасидан, машҳур археолог олим Эдвард Васильевич Ртвеладзедан миннатдор.

Биз эса асосий фикримиз — яъни аёлнинг жамиятдаги ўрни ҳақида, фарзандини камил шахс қилиб тарбиялаб, вояга етказишдан ташқари, ўзининг ҳам ижодий имкониятларини намойиш этиб, фанимизга ҳисса қўйиши мумкинлиги ҳақидаги фикримиздан чалғиганимиз йўқ. Мамлакатимизда оиласи тинчлиги, ошйишталлиги, фаровонлиги учун хизмат қилиш бараварида ўз интеллектуал ишлари, илм-фандани фаолияти билан жамият, юрт равнақига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизлар қўлаб топилади. Ҳа, аёлнинг жамият тараққиётига қўшадиган улушлари мўл. Бунга архитектура номзоди, доцент, сардоқатли рафиқа, қўли гул уй бекаси, уч фарзанднинг меҳрибон онаси, саранжом-сарийштали келин Шоира Нурмухамедовани намуна қилиб кўрсатсак арзийди.

Биз сўхбатимиз ниҳоясида яна Шоирага «Сиз учун Оила биринчи ўринда турадимиз ёки илм?» деган саволни бердик. У энди бироз босиқлик ва ўйчан ҳолатда:

— Аслида Оиланинг ўзи бир илм, Илмнинг ўзига ҳам оилада! — деб жавоб берди.

Изоҳга эса ҳоҳат йўқ.

Маъсума АҲМЕДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мақолатининг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан Оила Кодекси қабул қилинди ва 1998 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилди. Янги Кодекسد биз кўра бошлаган жамиятнинг табиатига монанд келадиган, унинг хусусиятларини ўзида мукамал акс эттирадиган ва оилавий ҳаётнинг камол топишига, оилавий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда мустақамланишига фаол таъсир кўрсатишга қаратилган қридалар мужассам бўлган.

Ана шундай қридалардан бири бу никоҳ шартномасидир. Бу «Оила» Кодексининг VI боб 29-моддасидан то 36-моддасигача бўлган қридаларини ўз ичига олади. Бу шартнома 29-моддада шундай шарҳланади: «Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақрида уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув — никоҳ

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ ИХТИЁРИЙ, ЛЕКИН...

шартномаси деб ҳисобланади».

Шарҳланаётган модда эр ёки хотинга, шунингдек, уларнинг иккаласига ҳам никоҳ шартномасига биноан ихтиёрий ёки келишилган ҳолда никоҳда бўлган даврларида ё улар никоҳдан ажратилган пайтларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари учун имконият туғдиради.

Никоҳ шартномаси тарафлари фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлиши мумкин.

Шартноманинг мазмуни эр-хотиннинг

мол-мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташкил топади. Никоҳ шартномаси предмети ни ифодаловчи хусусиятлар, шартномада назарда тутилган шартлар эр-хотин ўртасида мавжуд бўлган мулкий ҳуқуқлардан ва келажакда улар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлардан ҳам иборат бўлади.

Никоҳ шартномаси Оила Кодексининг 30-моддасига асосан никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган

ТУРМУШ

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб қўлга қиради. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишувига асосан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу эса қандай шаклда тузилган бўлса шундай шаклда бекор қилинади.

Никоҳ шартномасини бир томонлама бажаришга йўл қўйилмайди. Бу факатгина суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ туғатилгандан сўн шартноманинг амал қилиш мuddати ҳам туғатиллади.

Мунаввар САИДАЛОВА,
Оққўрғон туман ФХД ёлими мудариси.

Бу хонадондаги аҳилликнинг сирини бир қарашда, оила аъзоларининг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлариданоқ билиб олса бўлади. Қолаверса, оила бошлиғи бутун умрини эл қорига бағишлаган, фарзандларини ҳалол меҳнат билан тарбиялаган, ўз изидан юзлаб шогирдларини етиштирган **Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси, ганч ўмакори, "Дўстлик" ордени соҳиби, Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медал совриндори Абдурахмон Султоновнинг ўзи барча фарзандлари учун ҳақиқий ибрат намунаси**. Аслида, Абдурахмон ака 10–11 ёшлигидан, ўқувчилар саройига қатнаб, устози Маҳмуд Усмоновдан ганчкорлик сир-асрорларини ўргана бошлаган.

— Отам қурувчи бўлганлари учунми, мени ҳам ганч ўймакорлиги тўғрисида берилган. Бу ҳунар севимли машғулоти, касбим бўлиб қолишига асосан отам сабабчи бўлганлар, — дейди Абдурахмон ака.

У мактабни битириб, қизиққан соҳаси — меймоччилик бўйича Тошкент Политехника институтини ўқиди, ўқувчилик давридаёқ ўзининг ҳунармандлик ишлари билан бир қанча кўргазмаларда қатнашиб юрди. Унинг ижод намуналарини: «Туркистон» саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Наврўз» мажмуасида, «Миллий боғ», «Хамза» метро станцияларида, Навоий ҳайкали гүмбазидидаги нақшларда ва кўпгина иншоотларда кўришимиз, бу бекиёс гўзалликдан ҳайратланишимиз мумкин. Абдурахмон Султонов бошчилигидаги ганчкор ўймакорлар 2001 йил Германиядаги Ўзбекистон элчихонасида XIX асрда қурилган аммо ярқисиз ҳолга келиб бўлган тарихий бинонинг 400 та кичик қисмларини қайта таъмирлашган.

— Касбим юзасидан кўп давлатларда бўлдим, аммо бизнинг ганч ўймакорлигимиз ўзининг нозиклиги, мукамаллиги билан ажралиб туради. Чунки бу санъат тури бизда минг йиллардан буюн ривожланиб келмоқда. Бунинг исботини Далварзинтепа қазилмаларидан топилган ўша даврларга тегишли бўлган ганчдан ишланган карниз бўлағида ҳам кўришимиз мумкин, — дейди фахр билан Абдурахмон ака.

— Кўриниб турибдики, асосий вақтингиз ижода,

сафарлар, изланишга бағишланган. Шундай экан, оила тушунчаси иккинчи даражали...

— Аввало ижод ҳеч қачон оилага соя солмаслиги керак. Худого шукр, Насиба опоқингиз билан турмуш қурганимизга ҳам мана, қирқ йил бўлибди. Уч ўғил, бир қиз — тўрт фарзандни ҳалол меҳнат билан

болаларимиз билан бир дастурхон атрофида ўтириб: "Фалончи кўшимиз ундок, анави қариндошимиз бундоқ", деб гийбат қилсақ, оғзимиз майда-чуйда гаплар билан банд бўлса, уйимизда қандажон жал, қўйди-қикди бўлиб турса, эртага оқибати нима бўлади?! Ўзимизнинг номақбул хатти-ҳаракатларимиз билан энди

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

етиб келишга ҳаракат қилишадди. Оиладаги тинчлик хотиржамликнинг, тўкин-сочинликнинг сирини ҳам авваламбор меҳр-оқибатда, ҳамжиҳатликда эмасми? Мана масалан, мен ҳам оилада бош келин эдим. Биздан кейин қайниларим,

бўлиб қоладими, билмадим, мен нимани ўйласам, у киши ҳам шундай айтиб турадилар. Худого шукр, ўғилларим ҳам келинларим билан бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос. Учта келин тушириб, бирор марта сену-менга бормаганмиз. Ҳамма келиним бир-бирдан аъло, ўзим хоҳлаганимдек. Келинларимни ўз фарзандимдек кўраман. Нима олсам — учаласига ҳам бирдай оламан. Баянда келинларини ёмонлаб, гийбат қилаётган аёлларни кўрсам, жаҳлим чиқади. Ахир, келин ҳам уйини, ота-онасини ташлаб, сенинг ўғлингни деб келиб ўтирган бўлса, ундан кўра ўзга муҳитга, янги одамларга ўрганиб кетишига ёрдам

бер, у ҳам сенинг фарзандинг бир-бирдан эрка боласи-ку, дейман. Ўғилларимга ҳам хотинларининг асраб-авайланглар деб ўқтираман. Уруш-жанжал у ёқда турсин, бир-бирларига ўқрайиб қарашганини ҳам сезмайман. Менинг ҳаётдаги шioriм "**Мен сомонман, бошқалар бугдой**" — деб яшайман. Ўғил-қизларимга ҳам камтар бўлинглар, доим бошқалардан ўзларингни паст тутинглар, дейман. Шунинг учунми, кам бўлганимиз йўқ, фарзандларимизнинг роҳатини кўриб ўтирибмиз.

Абдурахмон ака ва Насиба аяларнинг суҳбатига қулоқ тутарканмиз, ҳаёлимдан "инсон икки нарасада, яъни касб ва умр йўлдош танлашда асло адашмаслиги керак экан" деган ўй ўтди. Негаки, ана шу икки жиҳат инсоннинг умр йўлини, тақдирини белгилайди. Шундай экан, "эрталаб ишга ва кечқурун уйига ошиқиб кетадиган одам бахтлидир" деган гап ҳақиқат эмас, деб айта оласизми? Зеро, қаҳрамонимизнинг ибратли умр йўли, иш ва оила тутими бунинг яққол исботидир. Бундай бахтни бошқаларга, айниқса, ёшларга тилаб қоламиз.



Шаҳноза РОФИЕВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири.

ҲАЛОЛЛИК ҲИКМАТИ

вояга етказдик. Ҳаммаси олий маълумотли, оилали, ҳозир уч-тўрттадан фарзандлари бор. Умуман, оила, турмуш дегани нима ўзи? Айтайлик, эр-хотин бирор оғир юкни кўтаряпти-ю, эр: "Бу томони мени олай, хотинимга оғирлик тушмасин" деб қайғурса, хотин ҳам худди шундай "Менга оғир бўлса ҳам, турмуш ўртоғимга қийин бўлмасин" деб, фидойилик қилса, бундай оила мустаҳкам бўлади. Лекин, тан олиш керак, оиланинг асосий устуни барибир эркак кишидир. **Рафиқасига суянчиқ, фарзандларига соябон, ота-онасининг ишонган тоғи — эркак киши ана шу мақомга муносиб бўлиши шарт. Болалар отадан қатъият-ни, онадан меҳр-ни ўрганиб ўсишлари керак. Энг муҳими, хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз болани ёшлигидан меҳнатга ўргатиш керак.** Меҳнат қилган, ҳунар ўрганган бола ҳамма нарсанинг қадрига етадиган бўлади. Табиийки, ҳаётда хор бўлмайди. Ўғилларимни болалигидан меҳнатга ўргатганман, мана, ҳозир ишимни давом эттиришяпти, ҳатто набираларим ҳам бўш ўтиришмайди. Фарзандларимизни уриб-сўкиб эмас, тушунтириб, ўқтириб тарбиялашимиз керак. Урган-сўккан билан бола яхши бўлиб қолмайди. Аксинча, бемехр бўлиб, сиздан ҳайқиқиб яшайди. Ҳурмат қилганидан эмас, сиздан кўрққанидан айтганингизни бажаради. Ўғил-қизларимизни атрофимиздаги кўни-кўшилларга, қариндош-уруғларга, умуман одамларга нисбатан меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашимиз лозим. Агар

ўсиб келаётган норасидаларимиз дилини яралаб, тарбиясини бузиб қўямиз-ку! Ахир, "қуш уясида кўрганини қиладди", деган гап бекорга айтилмаган-да.

— Гарчи турмуш ўртоғим қаттиққўл, жиддий инсон бўлсалар-да, болаларимни баъзи оналарга ўхшаб, "Даданг келса қалтак ейсан", деб ҳеч кўрқитмаганман, — суҳбатга қўшилиди Насиба ая. — Аммо **«Отанг билса, хафта бўладилар»** деган сўзимнинг ўзиёқ уларни хушёр тортирарди. Хозирга қадар ҳам болаларимиз биз билан маслаҳатлашмасдан туриб, бирон ишга қўл урмайди. Масалан, иккала ўғлим ҳам алоҳида яшашса-да, бирор жойга борса, албатта, айтиб кетишади ва ўз вақтида

қайсингилларим бор эди. Уларнинг ҳам ўқиши, уйли-жойли бўлиши кўпроқ бизнинг зиммамизда бўлган. Қайнонам раҳматли эрта оламдан ўтиб қолдилар-да, қайнота-қайнонам менга: "Қизим, сиз энди бу оилани туташтириб, акани укага, опани-сингилга қондошлик ришталари билан боғлаб тургучи кўприк бўласиз. Сизга қийин бўлади, аммо бу савобли ишни ўз зиммангизга олмасангиз бўлмайди", — деганлар. Шу-шу бу оиланинг бутунлигини сақлашни ўз буйимга олганман ва ҳалигача шу рўзғор учун қайғураман.

Тотувликнинг яна бир сирини — биз доим бамавсахлаш иш қиламиз. Иккалаимизнинг фикримиз доим бир жойдан чиқади. Бирга яшайверсанг шундай



Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



Ойлик маошлар қуйидагича:

Ҳайдовчилар учун 550 000 дан юқори.
Чиптачилар учун эса 220 000 дан юқори.
Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.
Ўқиш муддати 6 ой.

Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

1. Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3х4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. "В", "С" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, (собиқ Иркутск) 20-уй.
МЎЛЖАЛ: Қорасув 6. ТЕЛЕФОН: 266-38-31

ТЕЛЕФОНДАГИ АЙТИШУВ НИҚОБМИ Ё АСЛ ҚИЁФА?

АВТОБУСДА:

Ёнгинамдан 6-7 ёшли ўғли билан жой олган аёлнинг телефонда секин, мулозим оҳангда гаплашишини кўриб, очиги ҳавасим келди. «Қанийди, ҳамма шундай ширинсухан бўлса,» деб ўйладим. Хуллас, ёнимдаги мен ўзимча «одобу ҳаё намунаси» деб ўйлаган бу аёлнинг гапларини сиз ҳам бир эшитинг-чи:

— Алло, ... ака, бу мен ... ман. Сизга узримни айтмоқчийдим. Ҳозир йўлга — ишга шошиб чиққандим. Ойижоним — қайнонам «тез етиб келинг», деб телефон қилиб қолдилар. Ҳа, тинчлик, тинчлик... нима, Ҳа, қайнотам касалхонага тушиб қолибди. Шунга ортимга қайтдим. Ҳа, тушгача етиб келаман. Узр, ишга борганимдан кейин ҳаммасини ўзим жой-жойига қўяман. Майли, раҳмат...

Аввалига унинг тоби қочиб қолган қайночасига раҳмим келди. Қолаверса, шундай меҳрибон келини бор қайномага ҳам ҳавас қилдим. Кўп ўтмай, унинг телефони яна жиринглади. Яна ўша ёқимли, мулоим овоз. Кейин эса унинг ҳақсўхати билан қилган ҳангомасини эшитиб, кулоқларимга ишонмадим.

— Ҳа, опажон, ўша бозорнинг олдида кутиб тураман. Тушгача бўшман. Бемалол, бозорнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқса бўлади...

Ёнимдаги «тарбияли, хушмуомала» аёлдан ҳақсалам жуда тез пир бўлди. Энг ачинарлиси, у фарзанднинг олдида уялмай-нетмай ёлгон гапирётган эди. Бу ҳали ҳолва экан...

— Эшитаман ойижон, Ҳа, дадажонимдан хабар олишга бораётувдим. Бошлигим «ишга тез келмасангиз бўлмайди», деб қолди. Шунга ишга кетаялман, Ҳа нима қилай, жавоб бермас ахир, ойижон. Ишдан чиқшим билан ўтаман Ҳа, хабар оламан, албатта...»

Аёл қайночаси билан ҳам шу даражада хушавозе гаплашдики, автобусга

энди чиққан одамлар унга ҳавас билан қараб-қараб қуйишди...

КЎЧАДА:

Ҳозир телефонда бақририш, сўкишиш бемалол. Айниқса, кўча-кўйда. Яқинда бир кўшни аёл:



— Шу қўл телефонни чиқарганим отасига минг раҳмат. Ёмон кўрган одамнинг билан хоҳласангиз гаплашасиз, хоҳламангиз гаплашмай қўя қоласиз. Айниқса, у ёқдаги одамни истаганча қарашингиз, сўкишингиз, ҳатто ҳақорат қилишингиз мумкин. Одамнинг юзи иссиқ, айтмоқчи бўлган аччиқ гапларингизни юзма-юз туриб айтмайсиз, шундай пайтда бу савил қолгур роса асқотади-да.

Тўғри, балки кимдир шундай пайтда газабини телефон орқали сочиб, енгил тортар, бирор одамни ғийбат қилиб хуморидан чиқар, лекин жамоат жойида-чи? Ўзгалардан истиҳола қилиш, бошқаларни ҳурмат қилиш керак эмасми? Яқинда кўчада 3-4 киши кетаётгандик, орқамиздан келаётган бақир-чақир овозини эшитиб, ҳаммамиз таққа тўхтадик. Бизнинг назаримизда кимлардир муштлашаётгандек эди. Қайрилиб қарасак... не кўз билан кўрайликки, бир йигит йўлнинг чеккасида туриб, қўлини пахса қилганча телефонда шунақанги гапларни айтаётгандики, қўйинг, ҳеч тил бормайди.

ЙЎДА:

Бир танишим беш яшар қизига туғилган кун қилувди, бордик. Қизалоқни табриклаш учун қишлоқдан боболари телефон қилишди. Мезбон аёл қизини телефонга бобоси чақираётганини айтса-да, у ўйинни кўзи қиймадим, телефонда гаплашгиси келмади. «Кел, гаплаш» деб, уни катталар ҳол-жонига қўймагач, қизалоқ эшикдан бошини чиқариб, «мени чўмляяпти, ҳаммомда деб айтинглар», деса бўлади-да деб айтинглар». Лекин... Қизик, аслида болаларимизни ўзимиз ёлгончи қилиб қўймаймизми?

Қўл телефонининг яна бир қулай томони, ким телефон қилаётганини аниқ-тиниқ кўриб туришингиз мумкин. Юқориде таъкидлаганимиздек, кўнгирак қилган одам билан гаплашгимиз келмаса, гўшакни олмаймиз ёки мени «йўк» де, «кўчада»

МУЛОҲАЗА

де, «ухляяпти» де, деб фарзандларимизга тайинлаймиз. Аслида бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқдек гўё. Чунки ҳар доим ҳам одамда кайфият яхши бўлмағлиги мумкин. Лекин шундай пайтда фарзандларимизга ўзимиз билмай-билмай ёлгон гапларини ўргатмасдан «кечирасан, кейинроқ гаплашасан бўладими ёки ўзим кўнгирак қиламан», десак олам гулистон эмасми?

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Яқинда бир танишим унаштирилган қизининг тўйини бекор қилди. Бунинг телефонга нима олақаси бор деб ўйларсиз. — Бўлгуси кувё қизининг орқасидан бир йил ялиниб юрди. Менга ҳам унинг ўзини тутиши ёққанди, — ҳикоя қилади онаси қўйиб-пишиб. — Қўзим ҳам охиروقубат йигитнинг хушмуомалалигига, меҳрибон, оғир-босиқлигига қараб, рози бўлувди. Лекин қизим тасодифан ўша йигитнинг телефонда бошқалар билан гаплашишини, қўпол муомаласи, сўкинишининг гувоҳи бўлиб, ундан кўнгли қолганмиш. Наҳотки, одамнинг телефонда гаплашишига қараб, баҳо бериб бўлса...

Сизнингча-чи? Телефон орқали атрофингиздаги нотаниш одамларнинг асл қиёфаси очилиб қолмаётганимикин? Яна телефондан ноўрин фойдаланиш оқибатида жамоат жойида, турли одамлар орасида оилавий муаммо ва сирларингизни ўзингиз билмаган ҳолда ошкор қилиб қўймайсизми? Бу баъзида ошқор қилишдан ҳам кўра, кўз-кўзлашга ўхшайди. Энг қизиги, биз уялмай-нетмай яхши, ёмон, боримиз, йўғимизни бемалол баралла гапираверадиган бўлиб қолдик. Шу тўғрисида атрофингиздагиларда нохуш таассурот қолдираётганимиз ҳақида ўйлашимиз ҳам келмайди. Баъзида шивирлаб гапиршганда де истиҳола қилишингиз керак бўлган гапларни элга дастурхон қилиш шартми? Умуман, аслида телефондан нима мақсадда фойдаланиш керак деб ўйлайсиз?

Барно СУЛТОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

BAVTOQ'RG'ON XIZMAT
KO'RSATISH

VA IQTISODIYOT
KASB - HUNAR KOLLEJI



тиш, банк ва молия каби ҳудуд иқтисодиёти учун ниҳоятда зарур бўлган турли йўналишлар бўйича таълим бериляпти. Жамоамизнинг аксариятини олий ва биринчи тоифали ўқувчилар ташкил этади.

Энди тасаввур қилинг: бир замонлар турли ҳудудларда фаолият юритган техник ихтисосликларга мўлжалланган билим юртларида бор-йўғи битта ё иккита мутахассислик бўйича ўқитиларди. Шундаям ярами уйда, ярами кўчада овора бўлиб, қаерга боришни билмай юрарди. Кейинги ўн йилликларда фарзандларимизни баркамол ва илмли, хунарли қилиб тарбиялаш билан боғлиқ давлат

Байтқўрғон
хизмат кўрса-
тиш ва иқтисодиёт

касиб-хунар коллежини туғатиб, катта ҳаёт остонасидан ҳатлаётган ёшларнинг асосий қисми иш билан таъминланаётгани, қолаверса, илмга чанқоқ йигит-қизлардан 50 нафари турли олий даргоҳларда таҳсил кўраётганини кувонч билан таъкидлар экан, суҳбатдошимиз улар билан мазкур жамоанинг фахрлишини ҳам алоҳида таъкидлаб қўйди. Чунки сир эмас, айрим жойларда коллежни битиргандан кейин ишга жойлашш ҳам муаммога айланаётган бир пайтда бу ўқув даргоҳи раҳбарияти ўзига хос тажрибалар

ЎСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

коллек жамоаси ҳар доим фаол қатнашади. Бундай тадбирлар эса иш бевувчилар билан коллеж ўқувчилари ўртасидаги узвий ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда.

— Байтқўрғоннинг яна бир муҳим, яъни тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай жиҳати бор, — дейди Нурали Пардаев сўзида давом этиб. — Битирувчиларимизнинг камиде иккита ихтисосликни эгаллаётгани жуда қўл келмоқда. Айниқса, «қалдирғоч»ларимиз аллақачон ўзларининг сердаромад ўзгаришини йўлга қўйиб олишган. Кўча-кўйда кўришиб қолсак, қўллари кўксиде «раҳмат, устоз, шу ерда ўқиб жуда тўғри йўл танлаган эканман-да, мана, энди ишим яхши, машина олдим, ховли қурдим. Уйдагиларим ҳам хурсанд» дейишади. Бундай гапларни эшитган мураббий — устоз қувонмай ким ҳам қувонсин? Демак, она юртимиз фарзандларини ҳалол ва ақлли, баркамол бўлиб вояга етишлари, қолаверса, улуг истиқлол фарзандлари деган шарафли номни оқлашлари йўлида қилаётган камтарингина меҳнатимиз ўз медалларини бераётгани — бу бизларни ҳам гурурлантиради, улар билан фахрланамиз. Ана шунинг ўзи энг тотли бахт-да!

Ана шундай энг эзгу ниятлар барча мураббий-ўқитувчиларга фарзандларини умид билан ўстираётган барча юртдошларимизга насиб этсин!

Муноси РАЗЗОҚОВА
Суратлари Қозим
ЎЛМАСОВ олган.

БАЙТҚЎРҒОНДА БИР ДАРГОҲ БОР

Тошкент вилоятида ҳам мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, уларга касб-хунар ўргатиш борасида қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти. Вилоят касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳасан Иброҳимовнинг айтишича, бу ҳудудда 122 та таълим муассасалари бўлиб, улардан оллтаси академик лицейдир. 114 та касб-хунар коллежларидаги 109 минг 603 нафар ўқувчига 151 та йўналиш бўйича сабоқлар берилмоқда. Энг ибратли жиҳати, замонавий ўқув жиҳозлари ва турли ускуналар билан таъминланган даярли барча ўқув даргоҳларида назария билан амалиёт узвий равишда олиб бориляпти.

«Яхшиси, минг марта айтгандан кўра, бир марта ўз кўзингиз билан кўрганингиз яхши-ку», дея бошқарма бошлиғи бизни

Қибрай туманидаги Байтқўрғон қишлоғидаги «Хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи»га йўллади. Очиғи, илгари ҳам бу қишлоқ таърифини кўп бора эшитгандигу, лекин кейинги беш-олти йил орасида унинг бу даражада кўркамлашиб кетганини билмасдик.

— Бугунги кунга келиб, малякали мутахассислар фақат шаҳарларда тайёрланади, қишлоқ жойлар эса фақат аграр соҳага ихтисослашган, деган эскича қарашлар бутунлай ўзгариб кетди, — дейди коллеж директори, фалсафа фанлари номзоди Нурали ПАРДАЕВ бизни мазкур ўқув маскани билан таништираркан. — Бундан беш йил бурун бунёд этилган коллежимизда бугунги кунда 751 нафар ўқувчи таҳсил кўраляпти. Ёшларга 14 та, яъни тикувчилик, туризм, транспорт воситаларига техник хизмат кўрса-



дастурларининг қабул қилиниши ҳамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги боис чекка қишлоқ ҳудудларида ҳам ҳеч бир туман маркази ёки шаҳардагидан қолишмайдиган лицей ва коллежлар қуриб битказилди. Уларда эртанги қурилишнинг ишончли эгалари касб-хунар сирларини ўрганмоқда.

ни синаб кўраётгани ибратлидир. Шу ўринда ҳар бир битирувчининг ота-онаси ва улар яшаётган ҳудуд шароитидан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилаётган тажрибалар амалий натижа ҳам бермоқда. Яъни Қибрай тумани ва Чирчиқ шаҳрида ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида мазкур



TEZ AYTISHLAR

1. Oydin oyinda oyising oldiga bordi.
2. Turdi tunda o'nta to'nka to'pladi.
3. Norning nordon anori narida.
4. Hali Vali, Soli sholi o'rdi.

CHINNILARNING EGASI

Muhabbatni hamma yaxshi ko'radi. Chunki u juda aqlli. Baholari «a'lo». O'ziyam chiroyli, sochlari uzun qiz. Shuning uchun bo'lsa kerak unga hech kim uy ishlarini buyurmaydi. «Mayli, Muhabbat kitobini o'qiyversin» deyishadi. Bir kuni u bizga qiziq bir voqeani so'zlab berdi.

— Kanikulda buvimnikiga borgandik. O'shanda kichkina xolamning to'yi bo'ldi. Rosa ko'p mehmonlar keldi. Maza qilib o'y nabman-ey...

Ammo to'ydan keyin qiyin bo'larkan. Hamma joy to'zg'igan, ivirsigan, sochiqlar, dasturxonlar kir... Yuvilagan idishlar — likoplaru laganlar, piyola-yu kosalar...

Buvim bilan oyim idishlarni yuvib-chayishar, men esa ularning artib-tozalanganlarini ichkaridagi sevrantga tashirdim.

Pildir-pildir u yoqdan bu yoqqa yuguraverib, shu qadar charchadimki, oxiri na egilish, na bukilishga holim qolmadi.

— Muhabbat, chaqqon qimilla. Mana hademay, ishimiz tugaydi, deb qo'yadi oyim.

— Muha qizimning boriga shukr. Ana qancha yordami tegdi, qaranglar, — deb maqtab qo'yadi buvim.

Men esa ichkariga kirsam, divanga cho'zilib olsam deyman. Shu o'ylar bilan ishimni tezroq yakunlash uchun birato'lasi 15-16 ta likopchalarni ustma-ust qalashtirib oldim-da, ichkariga — katta qora, yaltiroq servant turgan xonaga yana kirdim. Engashib, idishlarni polga qo'yishga erinib, servant eshigini oyog'imning barmoqlari bilan surib-surib ochdim. Keyin likopchalarni tokchaga qo'yib, yana eshikni oyog'im bilan yopmoqchi bo'lsam, yopilmadi. Boya qo'ygan likopchalarni tokchadan ancha turtib chiqib qolibdi. Asta o'ng oyog'imni

likoplariga tiradim-da, ularni ichkariroqqa itara boshladim. Shu payt...

— Voy do-o-d! — deb dahshatga tushib baqirib yubordim.

Chunki... servantning ichida... idish tovoqlar orasidan... kimdir o'ng oyog'imdan mahkam ushlab, ichkariga tortqilay boshlagan edi.

HIKOYA

— Men hayron bo'lib qoldim. Oyim siniq idishlarni yig'ib, supurib olgach, menga tanbeh berdi:

— Qizim, bundan keyin ehtiyot bo'lib yur.

Ishlaganda shoshma-shosharlik qilma.

— Oyijon, men shoshma-shosharlik qilmadim, — dedimda, bor gapni aytib berdim.

Oyim indamay peshonamga kaftini qo'ydi. So'ng boshini chayqab, dedi:

— Yolg'on gapirishni esa butunlay tashlaganing yaxshi...

Oyim xonadan chiqib ketgach, yalt etib buvimga qaradim.

— Siz ham menga ishonmayapsizmi? Axir aldayotganim yo'q. Servantdagi idishlarni oyog'im bilan surib qo'ymoqchi edim, kimdir oyog'imdan mahkam ushlab oldi. Mening aybim yo'q. Tarekalarining o'zi sindi, — yig'lagancha dedim buvimga.

— Oppog'im, bilaman, sening gaping chin. O'sha oyog'ingdan tortgan narsa — chinnilarning, mana shu idish-tovoqlarning «ega»si edi. Chunki hamma narsani qo'riqlaydigan egalari bo'ladi. Idishlarning ham. Sen esa ularni oyog'ing bilan turtib, bepisandlik qilbsan. Buni uvul deyishadi. Odam ovqat yeydigan idishga oyoq urmasligi kerak. Bo'lmasa chinnining egasi oyog'ingdan tishlab oladi.

Muhabbatning shu hikoyasidan keyin biz ancha ehtiyotkor bo'lib qoldik.

Hulkar O'ROLOVA,

Qumqo'rg'on tumanidagi 14-maktab-internat o'quvchisi.

TINCHI BO'LSIN HAR KIMNING!

yoqub bolajonlarga maslahatlar

— Jiringlasa telefon, Asta olib go'shagin:
— «Labbay! Salom!» — deginu,
— «Kimsiz?» — deya so'ragin.
Tanish bo'lsa so'zlashgin.
Yotmi, gapni qizga qil!
So'rasa bir ma'lumot, Aytma, gapni puxta qil,
Ota-onang nomidan Qilsa kimdir qo'ng'iroq, Sen bu gapga ishonma, Xushyor bo'l, sol quloq!

— Uyda qolsang bir o'zing, Yopib o'tir eshikni!
Tanimagan odamga Ochma hatto teshikni!
Turli niqob ostida Bo'lar nopok kimsalar.
Talab ketib mulkingni, Boshingga tashvish solari!
Ikkanmay bu haqda "Nol ikki"ga xabar qil!
Darhol chaqir qo'shningni, Bo'lg'in ziyrak va dadil!



— Shuni bilgin bir karra: Pichoq, qaychi, mix, arra, O'roq, sanchqi, poytesha, O'z o'rnida hamisha Ishlatilsa did bilan, Ehtiyoj, mavrid bilan, Tursa agar joyida, Keltiradi naf, foyda!
Yo'qsa, koni ziyondir, Jarohatga nishondir!

— Uydan chiqar chog'ingda, Doim shunga nazar sol: O'chganmi uyda chiroq,



Televizor, gaz, dazmol?! Bo'lsang agar beparvo, Qo'qqis olov-o't chiqib, Deraza-yu eshikdan Qora tutun, dud chiqib Shikast yetar o'zingga Qarab yurgin ko'zingga!

— Elektr asboblarni Bilib-bilmay tuzatma! Bo'lsa simi yalang'och, Qo'lingni tort, uzatma! Panjang gugurt cho'p emas, Tiqma tokning iniga! Qolma nogoh tok urgan Odamlarning kuniga! Bilki, elektr kuni Keksami, yosh — qaramas! Bir zumdayoq tanangga Berar o'lim — ayamas!

Кеч кирса ҳам Роҳат хола келавермагач, уйдагиларнинг хавотири ошди. Пешинда кетган кампирдан бирон хабар йўқ. Келини Янгиободга қўнғироқ қилди, холанинг синглиси опасининг келмаганлигини айтди, унинг ҳам ичига гулгула тушди. Кампир кургур яна қайси қариндошиникига бориши мумкин, ё кўча-кўйда бирон фалокат рўй бердимикан? Ҳамманинг хавотири баттар ошди, яқин қариндошларининг ҳаммасиникига қўнғироқ қилишди. Кампир ҳеч қаерда йўқ эди. Улар кечани минг хавотир билан, игнанинг устида ўтиргандек ўтказишди. Ёлғиз ўғлининг ҳам сабр косаси тугаб, кўчадан машина тутиб, ҳатто яқин орадаги касалхоналарга ҳам борди. Яхшиям, чошгоҳда кампирнинг ўзи телефон қилиб, беҳавотир жойда эканлигини, яқинда бориб қолишини айтди. Уйдагиларнинг хавотири бироз босилди, лекин хола қаерда бўлиши мумкин, нега телефон бирдан узилиб қолди?

Роҳат холага чол-кампирдан хабар олгани борган Холмат чолнинг ўғли чўнтак телефонидан қўнғироқ қилиб берганди. Отаҳон ўғилларига «тутқун»нинг у билан турмуш қуришга рози эканлигини айтганда эса Роҳат хола ҳамон чорпоё четида миқ этмасдан ўтирарди: сукут — аломати ризо, деб шуни айтишса керак.

Ўғиллар қувонишгандан ўзларига йўқ эди. Улар бир зумда Роҳат холанинг уйдагиларни олиб келишини айтиб, машинага ўтиришди.

— Нима бўлса бўлди, буёғи худодан, — бу тавбасига таянган холанинг ички нидоси эди.

Орадан бирор соат ўтиб, Роҳат хола хонадони эшигининг қўнғироғи жиринглади. Холанинг ўғли мулла Абдиманнопнинг ўзи чиқиб эшикни очди. Дарвоза олдида Холмат трамвайчининг икки «безори» ўғилларини қўрғач, гап нимада эканлигини тушунди, «онасини шулар ўғирлашган».

— Ойингиз сизни келсинлар, деди... Буларнинг қўлидан ҳар бало келишини англаган Абдиманноп тезда уйга кириб, кийиниб чиқди, ортидан кичкина кизи Мухаббат ҳам эрғашди. Мулла кизини қолдирмоқчи эди, кўнмади. «Опоқимнинг олдига мен ҳам бораман», деб хархаша қилди.

Улар машинада жим кетишди, ниҳоят, машина Фиштқўприқда янги қурилатган участкалардан бирининг эшиги қаршида тўхтади. Дарвозадан киришлари билан Мухаббат бувиси томон отилди.

Салом-алиқдан сўнг кампирнинг ўғли зўрға чорпоёга чиқди. Холмат ака чойгумни олиб, чой қўйиб тараддуғида тушган эди, ўғиллари олдида отасига чой дамлатишни эп қўрмаган Роҳат хола чойгумни унинг қўлидан олди. Бу вазиятни қўриб, Абдиманноп мулла ҳам «ғишт қолпидан кўнганини» англади. Чойдан сўнг чолнинг катта ўғли Абдиманнопни четга имлади, улар ховлининг ўртасига бориб, нималарнидир узоқ сўхбатлашди.

— Гап шу, буларнинг никоҳини ўзингиз ўқиб қўясиз, қайтага маҳаллада ортиқча гап-сўз бўлмайди. Масжид имомини қақирсак, ҳаммага овоза бўлиб кетади...

Ҳалигача ҳеч ақлига сигдирилмаётган бу ишга Абдиманноп охири ўйлай-ўйлай қўнди. Ҳамма чорпоё устига чиқиб ўтиргач, Холмат чолнинг катта ўғли барчага гап нимада эканлигини тушунтирди. У ўз сўзини «Ота-она рози — Худо рози», деб қўнлади. Ирим-сирими келтирилиб, никоҳ ўқилди. Бу кеч кичкинтой Мухаббат янги ховлида қарибир бувиси билан бирга қолди...

Нормўмин ОЧИЛ

КАМПИР

"ЎҒИРЛАШ"

ўғли ўтирган экан, у ҳам кампирга тавозе билан салом берди-да, машинани юргизди.

— Даданглар яхши юрибдими? — не дейишни билмай орадаги жимликни бузди кампир.

— Ҳа, яхши, лекин қариганда қийин бўларкан. Ойимиз қазо қилгандан кейин анча чўкиб қолди. Бизларга айтмайди-ю, ўзидан ўтганини ўзи билади.

— Худонинг иродаси, болаларим, — деб қўйди кампир шунчаки.

Аммо негадир машина катта йўлдан чапга бурилиб, янги қурилатган ховли-жойлар оралаб кетётганини қўриб, сўради:

— Қаерга кетяпмиз, ўғлим?

— Ҳозир, хола, шу ерда бир ишимиз бор эди, — мужмал жавоб қилишди йигитлар.

Машина кўринишдан ҳали қурилиб битмаганлиги шундоқ сезилиб турган ховли дарвозаси олдида келиб тўхтади. Рулдаги йигит икки-уч бор сигнал берди. Бир зум ўтгач, дарвоза очилиб, ичкаридан Холмат трамвайчи лапанлаганча чиқиб келди.

— Етиб келдик, хола, тушинг, отамизни бир қўриб кетайлик.

Кампир машинадан тушмоқчи эмасди, Холматнинг ўзи келиб, машина эшигини очиб, салом берди.

— Келинг, Роҳатой, биз бечораи гарибни ҳам бир қўриб кетай дебсиз-да, раҳмат.

Холмат Роҳат холанинг тушишига ёрдамлашмоқчи бўлиб қўл чўзди. Кампир унинг қўлини силтаб, қайтариб ташлади-да, ноилож пастга тушди. Холмат ака уни ховли сари етаклади.

Хайҳотдек катта ховли, кираверишда чорпоё қўйилган экан. Бир зумда уларнинг теварагини бирон-бир егулик илн-жидида чопқиллаб келган жўжалар ўраб

қуймаланди. Чой қўйишдан ҳам кўра ҳозир кампирга нима дейиши ҳақида кўпроқ ўйларди.

Ва ниҳоят, Холмат трамвайчи гугуртни уч-тўрт қақиб, базўр олов ёқди. Талмовсираганча келиб чорпоёга чўккалади, томоқ қириб, сўз очди:

— Хуш келибсан, Роҳатой.

— ...

— Менинг «совчи»ларимга рад жавобини берибсан, — дея давом этди Холмат даб-дурустдан ўпка-гина қилиб, — бу яхши эмас, сен ҳам бева, мен ҳам... Биласан, хотиним Муаттарнинг қазо қилганига ҳам беш йил бўлди. Беш йилдан бери ит ётиши, мирза туриши. Аёл киши-ку рўзғорда юмушлар билан овуниб, кўникиб кетар, эркакка қариганда оғир бўларкан. Шунинг учун бор умидим сендан.

— Теварагингизда бева аёллар кўп-ку...

— Менга улар керак эмас. Биласан, вақтида ҳаракат қилмаган эканман, сени раҳматли Ашурали илиб кетди-да, жойи жаннатдан бўлсин.

— Болаларинг қачон келади? — бектоқатланди кампир.

— Тўхта, ҳали чой қайнагани йўғу кетаманга тушасан. Юр ундан кўра, чой қайнагунча мен сени ўзимнинг «фазендам» билан таништирай.

Кампир истар-истамас ўрнидан турди, сумкасини қўлига илиб олганча чорпоядан тушди.

— Сумкангни қўй, нима бало, унда тилло борми ё? — ҳазиллашган бўлди Холмат чол.

Холмат ака Роҳат холаи сым тўрлар билан ўралган ховли четигаги товуклар қўналғаси томон етаклади. Йўл-йўлакай унга баҳорда экилган узум, олма, гилос, хурмо ниҳолларини кўрсатиб борди.

— Юр, энди, сени Сиртлон билан та-

урмади, у ҳамон ўз хаёллари билан бир аҳволда ўтирарди. Ҳамма ишни чолнинг ўзи эпллади, гўш билан картошкани қўшиб қовурди. Оқшом тушиб, кеч бўлиб борарди. Қоронғи тушиши билан товуклар аста-секин ўз қўналғаси томон йўрғалай бошлади. Чол товуклар қўналғаси эшигини ёпиб келиш учун ўрнидан турди. Роҳат хола чол кетгач, сумкасини билагига илиб, дарвоза томон йўл олди, у қочиб кетмоқчи эди, бориб қараса, дарвоза ташқарисидан қулфлаб қўйилган экан, кампирнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ноилож ортига қайтди.

Холмат чол дастурхон тузади, овқат сузиб келди, чой дамлади. Роҳат хола овқатга қўл ҳам урмади, ўзининг сумкасини синглисининг болаларига деб олган сомсаларни чиқарди. Холмат аканинг сукунат жонига тегдими, айвон деворида осигил турган радиоприёмникни қўйди. «Машъал»-да Таваккал Қодиров қуйларди:

Ўйласам, шу дилбарим макқорага ўхшайди-ку...

Дастурхон ёнига келиб ўтирган Холмат «ёрилди»:

— Роҳат, одамни хит қилиб юбординг, сал очилиб ўтир. Мени яхши биласан — шу Холмат, шу Холматман. Қирқ йил трамвай хайдадим, ишга тонг-сахар кетиб, ярим кечада қайтардим, келгунимча бечора хотиним ухламай қутиб ўтирарди. Ҳа, жойинг жаннатдан бўлгур яхши аёл эди, вақтида қадрига етмаган эканман. Мени ташлаб кетди...

Чолнинг ҳўрлиги келди, томоғига аччиқ бир нарса тикилиб, кўзларига ёш олди.

Кампир миқ этмай ўтирарди.

Дастурхонга фотиҳа ўқиган Холмат чол яна анча вақт дардини тўкиб солди. Ниҳоят, андан ўтириб, ичкаридан қўрпашак ташиди. Ўзининг ўрни билан

“Учинчисиям қиз туғилдими? Энди бўлмади, ажрашаман, ўртоқларим ўғилларини тўй қилиб айтса. Боромай қолдим. Кейингиси ўғил бўлар, деган умидда уч йилда кетма-кет уч қиз туғди-я..”

Ишонасизми, шувуруқхона эшиги ёнида шу гапни айтмаётган эркакни кўриб нафратим ошиб кетди. Нега дейсизми? Тасаввур қилинг, аёл бечора бу дунёга яхши яшаш учун, соғлом фарзандларни туғиб, тарбиялайман деган ниятда келган-ку!

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида хизмат қилишмоқда. Апрель ойидан бери сал кам ярим миллионга яқин хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ана шулар орасида 253954 нафарида турли экстрагенитал касалликлар борлиги аниқланиб, 172891 нафарининг даволанишлари учун барча шароитлар яратилди. Шу

да дунёга келаётган фарзандлар ўртасидаги муддат камида уч йил ва ундан ҳам ортаётгани куйдиляпти. Бу эса аввало яқиндагина оналик бахтига мушарраф бўлган аёлнинг ўзини тўла тиклаб олиши учун қулайлик туғдира, иккинчидан, бу муддат соғлом болани тарбиялашда ҳам муҳим ўрин тутади. Бу эса бизнинг тиббиётчилар ибораси би-

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

БАРМОҚЛАРГА КЎЧГАН КЎЗЛАР

Гулноранинг бир кўзини шифокорлар жарроҳлик йўли билан олиб ташлашганда, у хали дунёнинг рангларини англаб улгурмаган норасида гўдак эди... Хасталик иккинчи кўзига ҳам таъсир ўтказгани туфайли илгар-илгамас — бир чимдим ёруғлик уч ёшлик қизча учун бутун бир олам бўлди. Отаси Наримон ака ва онаси Қутбинисо аянинг Оллоҳдан фарзандларига бахт сўраб яшашдан бошқа чоралари қолмади. Гулнора ўз тенгдошларига қараганда чаққон, ақлан зийрак ва зеҳнли бўлиб ўсди. Аммо бошқа қизлар каби у ҳам оиласи бўлишини орзулар, гоҳо бу — ушалмас хомхаёл бўлиб туюлар ва йиғлаб-йиғлаб ухлаб қоларди. Бир куни қизгина тушида ўзини чуқурликда кўрди. Шунда оппоқ кийимдаги нуроний бир отахон уни чуқурликдан тортиб олиб, ёнига ўтказди-да: «Хали сен жудаём бахтли бўласан!» — дея елкасига уриб қўйди... Шу-шу қувончли кунларида ҳам, қийналганида ҳам у ўша кафтнинг тафтини елкасида ҳис қилади... бутун борлигига куч келади гўё! У тақдирининг Анвар акадай олийжаноб инсон билан боғланишини, улар ўстирган фарзандлар уч ўғил ва бир қиз) ўз меҳнати билан эл дуосини олаётганлигини «ўша башорат»нинг акс-содоси, деб тушунади.




уқалаган эди, у Гулнорани хайратда қолдириб, қаддини тик тутганча юриб кетди!.. Бу — КУТИЛМАГАН ЛАХЗАЛАРнинг бошланиши эди! Эх-е, ундан кейин қанча-қанча хасталарнинг дуосини олди. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, қўйинги, унинг қадами етмаган гўшалар қолмади Ўзбекистонда. Ўзи яшаётган Сирғали тумани Ш. Бурхонов маҳалласи аҳли эса «кўзлари бармоқларига кўчган қиз»нинг умри-жонига барака тиланглари-тилаган...

Гулнора бемор танасига қўл юргизаркан, бармоқлари ўз-ўзидан оғриқли нуқтада чиппа ёпишиб қолар, то дардни «суғуриб» чиқармагунча узилмасди. У шифоталаблар танасини янтоқдан олинган тоза асал билан уқалаб, муолажа қилар ва танадаги тузалар, томирларда қотиб қолган тиклар, асаб толараридаги шамоллашлар, жамики иллат унинг бармоқларида зоҳир бўларди... «Менинг қўлларим кимларнингдир дардига дармон бўлаётганини эшитсам, дунёга сиймай кетаман. Бу лаҳзаларни узок кутганман. Бировга зарарингиз эмас, фойдангиз тегса, шунинг ўзи катта бахт, савоб»,— дейди Тошкент шаҳридаги «AJIM QVADRO» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Роҳат-Фароғат нури» соғломлаштириш масканида хизмат қилаётган Гулнора Раҳматбоева.

Санобар ФАХРИДИНОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

АЁЛНИНГ ЖОНИ ТОШДАН ЭМАС!

Овзининг бир тарафидан чиқиб кетаётган бундай куракда турмайдиган гапларни айтишдан аввал у хотиннинг сўхат-саломатлиги ҳақида ҳеч қайвурдимикан? Ахир, аёлнинг вазифаси фақат туғилганига иборат эмаслигини наҳот шу эркак билмасми? «Яна қиз туғдингми?» дейишдан ор қилаётган бу эркак энг аввало ўзига савол берса яхши эмасми? Хўш, нега энди бу оилада шундай ҳолат рўй бераляпти? Болалар ўртасидаги оралиқни-ку умуман айтилгани йўқ. Бир йил ўтар-ўтмас кўзи ёриётган аёлни қандай қилиб соғлом дея олиш мумкин?



— Шу йилнинг 13 апрелида Юртбошимиз томонидан “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доим қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарор қабул қилинганидан сўнг бу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш мақсадида қатор тадбирлар режасини ишлаб чиққан эдик, — дейди Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гавсар СОБИРОВА. — Эътибор беринг, энг аввало биз вилоят аҳолисининг 27 физини ташкил қиладиган туғиш ёшидаги аёллар билан жиддий ишлашимиз кераклиги боис бу масалада бошқарма раҳбарияти томонидан қатъий назорат ўрнатилди. 11 та акушерлик комплекс бўлимлари, вилоят перинатал маркази, 166 та қишлоқ врачлик пунктларида хизмат қилаётган тиббиётчилар бевосита ана шу

нингдек, тўрт юз мингга яқин болаларнинг саломатлиги назоратдан ўтказилганида улар орасида ҳам 170911 тасида турли хилдаги хасталиклар борлиги маълум бўлди. Уларга ҳам керакли тиббий ёрдамлар кўрсатилди. Сухбатимизга қўшилган Урганч тумани акушерлик комплекс бўлим мудираси Гулсара ҚУРБОНБОЕВА яна бир муҳим жараён ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Бу бевосита туғруқ ёшидаги аёллар, яъни биз юқорида келтирган мисол — туғилаётган фарзандлар ўртасидаги оралиқ муддатнинг бузилиши билан боғлиқдир. Тўғри, бизнинг халқ азалдан болажон халқ сифатида эътироф этилган. Лекин бугунги кунда экологик ҳолатнинг бузилиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг таъсири туфайли аксарият оилалар

Исмоил ШОМУРОДОВ, «Оила ва жамият» мухбири. Хоразм вилояти.

“ЮРАК ДОРИЛАРИ”

ИБН СИНО МЕРОСИ

БОЙЛИКНИ АСРАЙЛИК

ГЎШТ
Гўшт фақат физо бўлса ҳам, унинг суви юрак заифлигида ишлатиладиган дориға кириши сабабли у ҳақда гапирсак зарари йўқ. Шунинг учун деймизки, агар гўшт яхши бўлса яъни бир ёки икки ёшлик қўй гўшти, кўзи гўшти, улоқ гўшти ёки яхши

Гўшт суви дейилганда замонамиздаги табибларнинг кўплари ичида гўшт пиширилган сув деб ўйлайдилар. Холбуки, бундай эмас, балки гўшт суви — қийма қилинган гўштни пиширганда чиқадиган селдир. У гўштни ҳил-ҳил бўлиб титилгунча қовуриб пиширилади ва оқиб чиққан селини сузиб ичирилади.

Кўпинча вилоятимизнинг турли туман ва қишлоқларига борганимизда бизни қизқитирадиган мавзу энг аввало оналар ва болалар тақдирини билан боғлиқ бўлади. Чунки ҳар қандай оилада ҳам соғлом муҳит, тўғри тарбия шакланган бўлса, муаммоларга кам дуч келамиз. Аксинча бўлса, бирма-бир тушунтиришга, изоҳлашга тўғри келади. Шу ўринда Президентимиз томонидан шу йилнинг 1 июлида қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, шу жумладан, “Соғлом она — Соғлом бола” шиорининг амалдаги ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда биз вилоятнинг Ангрён, Бўка, Бекобод туманларида бўлиб, бевосита мазкур ҳужжатда белгилаб берилган мақсад-вазифаларни аҳоли ўртасида кенг ту-

шунтириш ва тарғиб этиш ниятида уюштирилган тадбирларда қатнашдик. Албатта, кўпчилик оила аъзолари, шу жумладан, туғиш ёшидаги аёллар, эртага турмуш қуришга аҳд қилган келин-кўвёллар ҳамда ёшлар даврасида юқоридаги қарорнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш ва унга амал қилиш бугунги куннинг долзарб талаби эканлигини уқтираямиз. Биламиз, деярли ҳар куни юртимизнинг турли худудларида юзлаб тўй-тантаналар нишонланади. Булар ҳам бежиз эмас. Чунки ҳеч қачон ҳаёт қарвони бир жойда тўхтаб турмайди, кимдир оила куради, кимдир фарзанд куради. Булар чин маънодаги тўйдан кейинги ширин томоша, қувончли воқеалардир. Бизнинг ниятимиз битта, ҳар қандай шароитда ҳам “Саломатлик” деб аталувчи энг улуғ бойликни қадрлаш, эъозлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

ЯЛПИЗ
Бунда ёқимли ва ажойиб бир хид бор. Унда яна ачиқлик ва кақралик билан мазали ҳолда аралашган бир ширинлик ҳам бор. Шунинг билан бирга, унда яхши буриштириш хусусияти ҳам бор. Кўп марта маълум бўлишича, бу нарсалар бог ялпизининг хурсанд қилиш хусусиятига жуда яхши ёрдам қилади.

Шу ўринда Президентимиз томонидан шу йилнинг 1 июлида қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, шу жумладан, “Соғлом она — Соғлом бола” шиорининг амалдаги ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда биз вилоятнинг Ангрён, Бўка, Бекобод туманларида бўлиб, бевосита мазкур ҳужжатда белгилаб берилган мақсад-вазифаларни аҳоли ўртасида кенг ту-



Наталья ХОМИЧ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

ЖАБРОН ХАЛИЛ ЖАБРОН

ФАЙЛАСУФ ВА ЭТИКДҶЗ

Бир куни файласуф йиртилиб қолган этигини яматиш учун этикдўзнинг олдига борди.

— Барака топгур, шу этигини ямаб берасанми? — деб илтимос қилди у.

— Мен ҳозир қўлимдагисини тикиб бўлай, қолаверса, ана, қанча йиртиқ этиклар қўлимга қараб ўтирибди, — жавоб берди этикдўз, — ҳаққини ҳалоллашим керак. Аввал келганларини тузатай, кейин сеникини оламан. Яхши-си, сен этигингни менга қолдириб кетгин-да, ўрнига мана бу этикни кийиб ол. Бир кунга чидаб беради. Эртагача ўзингникини тахт қилиб қўяман.

Файласуф ўзини тутолмай, ғазабланиб бақирди:

— Узаларнинг этигини кийиб юриш менга тўғри келмайди!

— Ахир сен қандай файласуфсанки, ўзгалар этигида юра олмасанг, — деди этикдўз, — ана, сал нарироқда яна бир этикдўз бор. У файласуфларни яхши кўради. Сен унга учраш, у этигингни ямаб беради.

ИЗЛАНИШ

Минг йил аввал Ливанда тоғ ён бағирларининг бирида икки файласуф учрашиб қолди:

— Йўл бўлсин? — сўради биринчиси. Бошқаси жавоб берди:

— Мангу ҳаёт чашмасини излаб юрибман. У мана шу тоғ тизмаларидан сирқираб чиқар экан. Мен ўрганган қадимги китобларда айнан шу ёшшлик чашмаси ҳақида айтилган. У гул каби қўёшга интилар экан. Ўзинг-чи? Ўзинг нимани ахтараяпсан?

— Мен ўлим сирини излаб юрибман, — деди биринчи файласуф.

Файласуфларнинг ҳар бири ўзиникини маъқул билди ва бир-бирларини руҳий кўрликда айбонлашди, қизгин баҳслашдилар.

Улар оламни бузиб, бир-бирларига бақираётганларида, ўз қишлоғидаги энг соддадил, гўл ҳисобланган бир одам шу ердан ўтиб қолди. У нима ҳақдадир қизгин баҳслашаётганларни кўриб, тўхтади. Сўнгра уларнинг даъволарини эшитиб, ёнига келди ва деди:

— Дўстларим, менга маълум бўлдики, сизнинг иккингиз ҳам битта фалсафа оқимига мансуб-сиз ва битта нарса ҳақида икки хил тилда гапиряётибсиз, битта ҳақиқатни ҳар бирингиз ҳар хил сўзлар билан тушунтиряётибсиз. Сизлардан бирингиз мангу ҳаёт чашмасини, иккин-чингиз эса ўлим сирини излаб юрибсиз. Моҳиятан эса улар ажралмасдир. Ҳар бирингиз шу мақсадга ўз йўлингиз билан келаяпсиз, ҳолос. — Омон бўлинг, донолар, — деди-да, йўловчи ўз йўлига равона бўлди ва улардан бир неча қадам узоқлашгач, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Икки файласуф бир неча лаҳзага бир-бирига жим тикилиб қолишди, сўнг улар ҳам кулиб юборишди.

— Нима бўпти, — деди улардан бири, — кетдик бирга излаймиз.

Эшқобил ШУКУР таржималари.

...Ёлғизликдан қутилишнинг ягона йўлини ўзига жазман орттириш деб билган Гулбаҳор дидига мос келадиган одам топа олмай, бир неча йил қўйнади. Исроил билан бўлган тасодифий танишув эса аёлнинг қалбини баттар ўртаб юборди. 43 ёшда бўлишига қарамай, анчагина ёш кўринадиган Гулбаҳор билан учрашув ҳам Исроилнинг бефарқ қолдирмади. Аёлнинг кўл телефон рақамини олган йигит унга тез-тез кўнғирок қилиб, учрашувга таклиф эта бошлади.

Билмадим. — Менда қизимни чиқараман деб йиғиб қўйган озгина пулим бор. Балки етиб қолар. Ўзи қанча керак? — Уч минг кўкидан, жоним. Топган куним қайтариб бераман. Худо хоҳласа, яқинда қўлимга яхшигина пул тушади. Келишилгандек, Гулбаҳор жазманига мисқоллаб йиғиб қўйган 3000 АҚШ долларини чиқариб берди-да, ҳаёт яна аввалгидек давом эта бошлади. Аммо орадан бир йил ўтар-ўтмас, Гул-

қоларди. Бу орада қизи Гулжамолга совчилар кела бошлади. Тўй тараддудини бошлаган Гулбаҳор Исроилдан пулни қайтаришини сўради. Исроил беш минг АҚШ долларидан бор-йўғи 1200 ни қайтариб берди-ю, жуфтакни ростлаб қолди. Икки ҳафта севгилисини уйда кутган Гулбаҳор охир-оқибат алданганини тушуниб етди. Нима қилиш керак? Гулбаҳор аламиндан ўзини қўрғажой топа олмас, бўла-жак қудалар эса тўйни тезроқ

бу вақтда ички ишлар ходимлари назоратида эди. Улар "қурбонлар" га ўзларини қандай туттиш лозимлиги хусусида кўрсатмалар беришиди. Исроилнинг ўғлига суиқасд уюштирилиши мўлжалланган куни эрталаб Гулбаҳорнинг кўл телефонига sms-хабар келиб, унда болакайнинг юзига нотаниш кимса томонидан кислотла сепилгани айtilган эди. Аёл ўзини фош этиб, зудлик билан қочоқ жазманига кўнғирок қилди. Телефон жавоб бермади. Саросимага тушган Гулбаҳор жазодан кўрқиб, нима қилишини билмай турган бир пайтда нотаниш аёл унга сим қоқиб, эрталаб жиянига кимдир суиқасд қилганини, у ҳозир касалхонада эканлигини айтди. Кечга бориб эса Исроил телефон қилиб, касалхонада — ўғлининг ёнида эканлигини айтди. Орадан ўн дақиқа вақт ўтар-ўтмас, "Шер" буюртма бажарилганлигини, келишилгандек 50 АҚШ долларини тўлашни Гулбаҳордан талаб қилди.

У келишилган пулни бериш учун учрашувга қизи билан чиқди-ю, тўловни амалга ошириш жараёнида ички ишлар ходимлари томонидан ҳибсга олинди. Тергов жараёнида Гулбаҳор айбига тўла икром бўлиб, жазмани ва унинг ўғлини ўлдиршини хоҳламаганини, фақатгина уларни кўрқитиб, пулни қайтариб олмақчи бўлганини тасдиқлар эди.

Исроил эса энгил ҳаёт охир-оқибат оиласига, фарзандининг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эканлигини тушуниб етиб, тезда барча қарзларини қайтариб берди. Ахир, ички ишлар ходимлари ҳар доим ҳам жиноятнинг олдини ололмастликлари, жиноятчиларнинг қабیح ниятларини олдиндан кўрмасликлари ҳам мумкин эди-ку.

Суд Ахроровага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг шахси, қўлмишидан қаттиқ пушаймон эканлигини, оилавий шароитини инобатга олса-да, мазкур жиноятнинг ғараз ва манфур ниятларда содир этилганини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.


(Мақола қаҳрамонларнинг исм-шарифлари ўзгартрилган)

Наргис ҚОСИМОВА,

журналист

1 000\$... ГА «ТИКИЛГАН» ҲАЁТ

ёхуд «ўч олиш операцияси» фош бўлди



Аввало, Исроилнинг оиласи, бола-чақаси борлигини билган Гулбаҳор бунга розилик берма-сада, эракнинг хушмуомалалиги, барча муаммоларни телефон орқали ҳал этиши қалбида ажиб ҳислар уйғота бошлади. Уларнинг муносабатлари мустаҳкамланиб, Исроил Гулбаҳорнинг ўзига қаттиқ боғланганлигини сезган, негадир аста-секинлик билан аёлдан узоқ-лаша бошлади. Бу аёллар билан бўлган муносабатда Исроилнинг ишлатадиган хийла йўли бўлиб, у тез орада бошқалар сингари Гулбаҳор ҳам унга айтган пулини бериши, Исроилни ёнида олиб қилиши учун унинг даярли барча харажатларини кўтаришини яхши билар эди. Ҳаққатдан ҳамма нарса айнан Исроил уйлаганидек бўлиб чиқди.

— Жоним, энди камроқ кўриш-масак бўлмайди. Хотиним ниманидир сезган шекилли, анча тергаб қолди. Бир-икки ой менга кўнғироқ ҳам қилма. Бундан ташқари биттасидан қарз олгандим, зудлик билан қайтар деб қўймаппти. Шунинг ҳам бир йўлини қилишим керак, — деди Исроил хазин овозда.

Гулбаҳор қутилмаган янгликдан довдираб қолди:

— Бир-икки ой? Ахир, мен сизсиз қандай яшайман? Сизга жуда ҳам ўрганиб қолдим. Майли, бир ҳафта уйингиздан чиқмай, хотинингизнинг кўнглини тинчитинг.

— Айтдим-ку, гап фақат хотин-да эмас, қарзим ҳам бор деб. Шунинг хал қилишим керак. Сурхондарида бир танишим бор. Ундан қарз сўрамоқчиман. Агар бермаса...

бахор яна Исроилни «гам-ташвиш ботқоғида» кўрди. Бусафар Исроил кўзига ёш билан аёлдан яна 2000 АҚШ доллар қарзга олди.

— Фақат сен мени тушунасан, жоним. Билмадим, ёнимда сен бўлмасанг нима қилардим, асалим. Ҳаммасини икки-уч ойда албатта қайтараман. Биламан, аёл бошинг билан сенга ҳам қийин. Бунинг устига қизингнинг ҳам бўйи етиб қолди. Аммо менга ишон... Тез орада ишим юришиб кетади...

Гулбаҳор бу сафар ҳам ишонди. Аммо орадан олти ой, сўнг бир йил, 2 йил ўтди ҳамки, Исроил қарзга олган пулини қайтарай демасди. Гулбаҳор пулдан гап очил-ши билан йиғламсираб, ўзини но-чор кўрсатар, «кетаман»га тушиб

қилишга шоширишарди.

Унга бу сафар Дилшод деган таниши ёрдам қилини чўзди. Эски таниш аламзада Гулбаҳор билан тил бириктириб, яқинда қамқондан чиққан "Шер" лақабли кимсани ўзларининг қабیح ниятларини амалга ошириш мақсадида ёллашди. «Товламани»нинг ҳаёти бор-йўғи 1000 АҚШ долларига баҳо-ланди. Аммо Гулбаҳорда шу пул ҳам топилмади. Охир-оқибат Исроилни "қалтақлаб, адабини бериш учун" аёл "Шер"га 200 АҚШ доллар, кўрқитиш мақсадида қал-лоб жазманини ўғлига тан жаро-ҳати етказиш учун эса 50 АҚШ дол-лари тўлайдиган бўлди...

Суиқасд уюштириш ва "қасос" жараёни ва "сохта киллерлар" ҳам

МАЖБУРАН ТУРМУШ ҚУРИЛМАЙДИ

Ў ҚУҚУК ВА БУРЧ

Никоҳ эрак билан аёл ўрта-сидига тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳла-нубиларнинг кўнглини тинчитинг.

— Айтдим-ку, гап фақат хотин-да эмас, қарзим ҳам бор деб. Шунинг хал қилишим керак. Сурхондарида бир танишим бор. Ундан қарз сўрамоқчиман. Агар бермаса...

Никоҳнинг ўзаро розилик ва ихтиёрий асосда тузилиши оилан-нинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади.

Эрак ва аёлнинг ўзаро розилиги билан тузилган никоҳ-нинг аҳамияти ва муҳимлиги БМТ Бош Ассамблеясининг «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»да: «Никоҳ, никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкин», деб таъкидланган.

Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши лозим; у кўрқитиш, зўрлик, алдаш ёки никоҳланув-чиларнинг бари ёхуд ҳар икка-ласига руҳан таъсир этилган ҳолатда мажбур қилиш таъқиқ-ланади.

Тажрибада зўрлаш, кўрқитиш ёки алдаш каби хатти-ҳара-катлар кўпроқ тор ва қоқоқ дунёқараш оқибатидан келиб чиқади. Эски урф-одатлардан халос бўлмаган шахслар никоҳ-га кирувчиларнинг, кўп ҳоллар-да қизларнинг розилигини ол-май, олдиндан фотиҳа қилади-лар, қалин оладилар, ёшларни севмаган кишига турмушга чи-қишига мажбур қилиб, уларни бахтига зомин бўладилар.

Никоҳга киришишнинг ўзаро розилик асосида бўлиши шарт-нинг бузилиши унинг норас-мий деб топилишигагина эмас, балки гайриқонуний никоҳга ки-ришга зўрлаган, алдаган ва кўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 136-моддаси-да қуйидагича белгиланган: «Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом этти-ришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф ра-вишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шу-нингдек, аёлнинг эрга теги-

шига тўсқинлик қилиш — энг кам ойлқ иш ҳақининг йи-гирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишла-ри ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озод-ликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

Аёлни мажбурлашда унинг баданига оғир шикастлар етказилганда айбдорнинг ҳаракатла-рини ЖК 136-ва 104-моддала-ридаги жиноятлар мажмуига кўра квалификация қилинади.

Рухий зўрлик ишлатиш де-ганда, жисмоний зўрлик ишла-ти билан кўрқитишни, аёлнинг ўзи сир сақлашни афзал кўра-диган маълумотларни тарқати-ши, мол-мулкни талон-тарож қилиш билан кўрқитиш ва хоқа-золарни тушуниш керак.

Аёлни ўғирлаш уни мажбу-рлашнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, уни олиб қочишда, бир-ор-бир транспорт воситасида, муайян жойда жисмоний ёки ру-хий зўрлик ишлатиб сақлашда ёки унинг эркига хилоф равиш-да у билан никоҳда туриш учун алдаш ҳисобланади.

Агар аёлнинг ўғирланиши, у билан никоҳга кириш учун урф-одат тусига қиритилган бўлса, яъни аёл ўғирлангунга қадар бу ишга унинг розилиги олинган бўлса, ЖКнинг 136-моддасига биноан жавобгарликка тортил-майди.

Ўғирланган қиз ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, айбдор унинг розилиги билан жинсий алоқа-га кирса ёки жинсий аҳтиёжини гайритабиий усулда қондирган ҳолатларда айбдорнинг ҳаракат-лари ЖК 136-ва 128-моддала-рига кўра жиноятлар мажмуаси бўйича квалификация қилинади.

Бундай баҳолашнинг зару-рий шarti — айбдор жабранув-чининг ўн олти ёшга кирмаган-лигини илгаридан билишидир.

Худди шунингдек, аёлни эрга тегишга тўсқинлик қилиш ҳам тегишли модда билан жа-вобгарлик белгиланишига олиб келади.

Севара МАВЛЯНОВА,
Тошкент вилояти
Янгийўл шаҳар
ФХДЁ бўлими ноziри.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

— Менинг қизим сиз ўйлаган қизлардан эмас. Эс-хуши жойида. Қолаверса, нуфузли давлат ташкилотиди ишлайди. У ҳеч қачон бизнинг юзимизга оёқ босмайди. Кейин... — Махбуба опа тилининг учида турган гапни айтмас бўлмаслигини англади. — Бу ерга келишдан аввал обдон суриштириб билгандирсизлар, Сабрина у хонадонда уч кунгина яшайди. Икки кундан сўнг кувё зарур иш билан узоқ йўлга чиқиб... — сўзининг давомини айта олмайди, бўғизга нимадир тош каби текилиб, гапиришга қўймади. — Хуллас, қандай ўйлайсизлар билмадим, аммо қизим ҳали бокира...

Совчилар ажаблангандай бир-бирларига қараб қолишди. Бирини хатто беихтиёр лабини бурди.

— Сиз шундай деганингиз билан буни маҳалладаги ҳар бир одамга, ҳар бир таниш-билишга айтиб чиқа олмайсиз-ку? Қизингизнинг барибир, эрга теккан, бева деган номи бор! — захархандалик билан айтилган бу гапдан кейин Махбуба опанинг тоқати тугади.

— Тўғри, мен айтмоқчиманки, Сабрина сизларга тўғри келмайдиганга ўхшайди...

— Сизлар бизга тўғри келмайсизлар деб қўя қолинг, опа! Тур, кетдик. Шумқадан қизини, қани кўрамиз, биздан ортиқ яна кимлар сўраб келаркин?! — даб-дурустдан жазвага тушиб, ўрнидан туриб кетган меҳмон аёлларга Махбуба опа ҳайрону лол қараб қолди. Улар жавраганча чиқиб кетишди.

Махбуба опа уй тўрисидаги ойнаванд жавонда турган қизининг мактабни битираётган пайтида тушган суратига бир лаҳза қараб қолди-да, кейин... Бошини хонхатта устига қўйганча узоқ йиғлади...

У кечаю кундуз қизининг бахтини сўрайди. Мана, ўша мудҳиш воқеага ҳам бир йилдан ошяпти. Қизи ишдан бошқа нарсани ўйламайди. Бу орада яна бир-икки жойдан уни сўраганлар бўлди. Лекин улар ҳам Махбуба опанинг кўнглига ўтиришмади. Онаизорнинг фариштадай қизини ёши катта, уч-тўрт боланинг отаси ёки икки бора уйланганларга раво кўргиси келмаёпти. Сардор, раҳматли кувёни кўз ўнгидан кетмайди-да. Унга ўхшаган йигит бу дунёда бошқа йўқдай туюлади. Бетизгин хаёлларини марҳумнинг ҳақиқига Қуръон тиловат қилиш билан ниҳоялайди. Аммо бир савол унга тинчлик бермайди: Қизининг ҳаёти изга тушиб кетармикан? Бахтини топа олармикан? *

Орадан ойлар ўтгани сайин Сабрина билан Беҳзоднинг муносабатлари жиддийлаша борар, ҳали йигит қизга дил изхор этмаган бўлса-да, унинг юрагида ишқ тугён ураётганини, ҳар лаҳза, ҳар он қиз томон ошиқишидан сезиш қийин эмасди. Улар бир-бирларини яхшигина билиб олишди. Сабрина бу ўқитувчи отанинг тарбиясини олган йигитдан ёмонлик қармамлигига ишона борарди. Ва шунинг баробарида унга ипсиз боғланаётганини ҳам сезиб турарди. Ахир, у кунларига маъно бағишляпти. Муаббат исканжасидан кутқарди, ўтган ҳаётидаги кўнглисизликларни унуттишга ёрдам берди.

...Бугун дам олиш куни. Беҳзод Сабринани айлинишга таклиф этган. Айтадиган муҳим гапни борлигини ҳам таъкидлади. Сабринанинг дилига хавотир инди: «Нима бўлдики, уйда бир бирор етишмовчилик юзга келдимикан?» деган савол кўнглидан ўтди. Кўришганларида, йигитнинг қўзғалари синчковлик билан боқди. Ҳеч нимани англай олмайди.

— Сабрина, мен сизга уйланоқчиман, сизни яхши кўраман!

Дабдурустдан айтилган изхор Сабринани сескантириб юборди. Сония ичиди ўтган ҳаёти кўз ўнгиди намоён бўлди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Бунақа гапларни кераги йўқ, Беҳзод...

— Менга ишонинг, сизни бахтли қиламан. Сиз бахтли бўлишингиз керак! Ёки... оилаларимиз ўзаро тўғри келмайди деб ўйлайсизми? Тўғри, сиз ўзига тўқ хонадон фарзандисиз, мен эса...

— Ундай демоқчи эмасман. Менга бунинг заррача аҳамияти йўқ. Гап бошқа ёқда. Ахир мен турмуш кўрганман. Эрга теккан деган номим бор. Сиз эса ҳали уйланомаган йигитсиз. Қўйинг, мени азобламанг. Сиздай йигитга мана-ман деган қизлар жон деб тегилади.

— Менга сиздан бошқаси керак эмас. Мен аҳдимдан икки дунёда ҳам қайтмайман. Ота-онамга ҳам тунтирмаман, улар мени тушуни-

✓ БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

Беҳзод сўраётган пулларнинг заррача аҳамияти йўқ эди. Ахир севгилиси шунга муҳтож бўлиб турганда, у қандай қилиб жим қараб туролсин. Буни яхши билган Беҳзод ориятни, йигитлик гурурини (аслида, унда бу хислатлар йўқ эди) бир четга йиғиштириб қўйиб, Сабринадан имкон борича самаралироқ фойдаланиб қолишга интиларди. Бир куни у: «Компьютерим бузилиб қолди, ҳисобларимни топшира олмаяпман», деганди Сабрина укаси-

Шахло ТОШБЕКОВА

САБРИНАНИНГ САБР КОСАСИ



шади. Сиз менга ишонсангиз бас, ҳар қандай тўсиқни энгиб ўта оламан.

— Барибир, одамлар...

— Одамлар, одамлар! Қачонгача одамларнинг раъйига қараб иш тутмоқчисиз? Уларнинг гап-сўзига қулоқ солсангиз, нималар дейишмайди. Инсоннинг бахти ўз қўлида бўлади.

Сабрина ҳам бу йигитни ихтиёрсиз ёқтириб қолганди. Беҳзод уни осмонларга олиб чиқиб қўйди, берган ваъдаларига кўра у яқинда дунёдаги энг бахтли одам бўлиши керак...

— Беҳзод ака, уйимиздагилар иккимизнинг муносабатларимиздан бохабар бўлишганга ўхшайди. Шунинг учун...

— Сабрина, унутма, мен оилада катта ўғилман. Кўриб турибсан, синглимга совчилар келиб турибди. Ҳозир тўй қилсанг, одамлар айтмайдими, буй этган синглиси қолиб, ўзи уйланиб олди дейишмайди? Озгина сабр қил, синглимни узаттайлик, кейин...

— Қачон... узатмоқчисизлар?

— Э, бир-иккита ками бор, шулар ҳеч битмаяпти-да! У ёғига етказсанг, бу ёғига етмайди. Жонимдан ҳам тўйиб кетдим. Битта ўзим қай бирини урдамай, уйдагилар ҳам ҳамма ташвишни бир менинг елкамга юклаб қўйишган бўлса.

— Эртага пул олиб келиб бераман, озгина йиғиб қўйганим бор. Бу қарз эмас, синглингизнинг тўйига мендан совға. Ўша айтган мебелларингизни сотиб олинг.

— Э, йўқ, кераги йўқ. Мени хижолат қилма, ҳаммасини ўзим эплайман.

— Хижолат бўладиган жойи йўқ. Айтдим-ку, бу менинг совғам деб. Совгани рад этмайдилар.

Беҳзоднинг юзига табассум югурди. Сабрина беражақ пул озмунча эмас-да! Бу қиз зўр чиқиб қолди-ку, сахий, ҳотамтой. Ишқилиб, эртага...

Умид билан, бахтли кунларга етиш илинжи билан яшаётган Сабрина учун

дан ўзи уйда фойдаланаётган ноутбукини бериб юборди. Яна бир куни «Ҳамкасблар билан футбол ўйнамоқчимиз, менда эса тузукроқ оёқ кийими йўқ», деди. Яна Сабрина қараб туролмади. Спорт моллари сотиладиган дўкондан бутси сотиб олди-да, бериб юборди. Аммо у Беҳзоднинг оёғига кичикроқ келибди, ўзи дўкондан каттароғи ва қимматроғига алмаштириб, сотувчига: «Нарҳидаги фарқи хотиним тўлаб кетади», дебди. Бир неча кундан сўнг тасодифан ўша дўконга кириб қолган Сабринани сотувчи йигит бу гапдан огоҳ этди. Дугоналари олдиди ҳижолат бўлган Сабрина ўша захотийёқ пулни тўлади...

Беҳзоднинг синглиси ҳам узатилди, тўйдан кейинги маросимларда ҳам Беҳзод ҳаммани хайратта соладиган совғасалоомлар билан қатиним тўлаб кетади, дебди. Бир неча кундан сўнг тасодифан ўша дўконга кириб қолган Сабринани сотувчи йигит бу гапдан огоҳ этди. Дугоналари олдиди ҳижолат бўлган Сабрина ўша захотийёқ пулни тўлади...

Хуллас, тўй ўтганига ойлар тўлса ҳамки, Беҳзод шошилмасди. Сабрина эса тезроқ гап-сўзларга чек қўйилишини, Беҳзодга турмушга чиқиб, бахтиёр яшашни истади. Фейъл-атворига тўғри келмасида-да, бу ҳақда ўзи бир-икки гап очди. Беҳзод навбатдаги найрангни ўйлаб топди.

— Одамлар... ота-онамга сенинг турмуш кўрган аёл эканингни етказибди, — деди бир куни.

— Демак, мен...

— Йўқ, сен менга ишон, менга сендан бошқаси керакмас. Бироз вақт ўтсин, ота-онам ҳаммасини тушунишади. Мен барибир, сўзимдан қайтмайман!

Сабрина унга ишонди. Йиллар давомидаги тўйгуларининг сароб бўлиб чиқишини тасаввур қилолмасди. Худодан Беҳзоднинг ота-онасига инсоф тилаб, кунларни ўтказа бошлади.

(Давоми келгуси сонда)



ЭНГ ҚИММАТ КЎППАК

Хитойлик миллионер хоним 4 миллион юанга ит сотиб олди. Бу тахминан 600 минг долларга тенг. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Янцзи-II лақабли олти ойлик бу қора кўппакча тибет мастифи зотиға мансуб бўлиб, дунёдаги энг қиммат ит сифатида эътироф этилди.



Омадли харидидан улкан бахтиёрликни ҳис этаётган миллионер хоним итларнинг ушбу турдаги зотини жуда узоқ қидирганини ва ниҳоят уни Тибет тоғидан топганини айтди. Маълум бўлишича, унинг уйда тибет мастифининг ургочиси мавжуд бўлиб, келгусида бу каби зотдор ит турини кўпайтиришдан умид қилмоқда. Бу ноёб кўппаклар кучли ва чидамли, ўта зийрак кўриқчилик қобилияти билан қайранлар экан. Миллионерлар сафи жиддий ўсаётган Хитойда эса тибет мастифлари бойлик белгиси, қибор кишилар учун мулкдорлик рамзига айланган.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Сизу бизнинг узоғимизни яқин қиладиган поездлар елиб юрадиган рельсларнинг икки хил вазифаси бор. Улар темирйўл вазифаси баробарида поездни бошқариш масъулиятини ҳам «зиммасига олади». Инчунун, машинистга тормозни босишдан бошқа иш қолмайди.

Рельслар илк бора Англияда пайдо бўлган. «Рельс» сўзининг ўзи ҳам инглизча бўлиб, «узун ингичка хода» маъносини англатади. Ўз вақтида англиялик шахтёрлар бурчакли ёғоч ҳодалар устига ўрнатилган вагончаларни кўмирга тўлғазиб, шу узун ҳодалар йўналишини бўйича сирпаниш эвазига энгил ҳаракатлантиришга эришганлар. Шундан сўнг бу қурилмани тақомиллаштириш керак деган қарорга келганлар. Бора-бора бундай қурилманинг рельслар мустаҳкам бўлиши учун рельсларни махсус ўлчамлар асосида темирдан ясаган.

Шундай қилиб 1804 йилда илк темир гилдиракли паравоз дунёга келди. 1825 йилда эса бундай рельсларни бирлаштириб узоқроқ масофани забт этишга эришилди. Бу параллел рельсларнинг узунлиги 50 км ни ташкил этарди. 5 йил ўтиб, 1830 йилда Манчестр ва Ливерпул шаҳарлари ўртасига илк бора йирик темир йўл ётқизилди. Испания ва Россиядан ташқари дунёнинг бошқа барча мамлакатларида рельслар оралиғидаги стандарт масофа 144 см қилиб белгиланган.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

Автобусда ишга келаётгандим. Хайдовчи «Кўйлик» бозорига етганда бироз тўхтаб, йўловчилар тўла-нишини кўта бошлади. Шу ердаги бекатда турган бир аёл чиптачи йигитнинг олдига бориб, тўрт қоп қайнатилган маккажўхорисини «Олой» бозоригача олиб кетишларини сўради. У ҳам кўнди шекилли, қолдаги юкларни ортишга кўмаклашди. Ниҳоят, жўхори тўлдирилган елим хал-

— Икки минг сўм бўлади, хола. Чунки қопларингиз 5-6 одамнинг жойини эгаллаб турибди.

Аёлни кўзлари катталашди, жал билан бақира кетди:

— Хей, менга қара, олсанг шу, бўлмаса тушириб қолдиравер, эшитдингми?

— Йўқ, холажон, биздаям кунлик режа бор, бажармасак гап эшитамиз,

ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

кекса аёлни тушиб қолишга ундади. Йўловчилар орасида бетоқатлик бошланди.

«Бу — юк ташийдиган машина эмас, йўловчи автобуси-ку! Инсофларинг борми ўзи?» — танбех берган бўлди кексаро отахон. Хуллас хайдовчи, чиптачи, бозор-

«МЕНИНГ ЁШИМГА ЕТМА!»
ёхуд кексалардан нимани ўрганамиз?

таларни жойлаб бўлган аёл фартугининг этаги билан пешонасидаги терларини артиб олдию, олдинги ўриндикда ўтирган йигитнинг тепасига бориб: «Қани, тур-чи! Сенам менинг ёшимга етсанг, ўтирасан!» — деди қаттиқ зарда билан. Кутилмаган танбехни эшитиб, хижолат бўлган ҳалиги йигит шоша-пиша автобуснинг орқа ўриндигига ўтиб кетди. Салон тўлғач, автобус ҳам секин кўзғолди. Қайнатилган маккажўхори хидидан кўнгли беҳузур бўлган ёшгина бир келинчақ «Ойналарни очиб қўйинлар, ҳаво етмаяпти», деб хайқиргач, кимдир автобуснинг тепа қисмидаги дарчани очди. Икки бекат юрилгач, чиптачи йўлқира йиға бошлади. Навбат «юк» эгаси бўлмиш аёлга келганида у шоша-пиша 600 сўм (шаҳар ичидаги автобусларнинг йўл ҳақи 400 сўм) пул тутказди.



— деди чиптачи қатъий.
— Сендан бошқалари берганими олиб кетаверди, билдингми? — шангиллади хола. Чиптачининг ҳам тоқати тоқ бўлди:
— Мана, пулингизни олинг-да, бошқа автобусда кетин!
Ичқаридаги мохарони эшитган хайдовчи ҳам автобусни тўхтатиб, бу

чи аёл бекатда яна бироз тортишишди. Охири қўшимча ҳақ тўлашдан бош тортган аёл шу бекатда тушиб қолди ва автобус юриб кетаётганида бор овози билан бақирди: «Илоё, мени ёшимга етмагин! Қирчинингдан қийилгин...»

Ҳаммамиз галати бўлиб кетдик. Наҳотки, бу аёл фарзанди тенги йигитларни шундай даҳшатли сўзлар билан қарғашдан қўрқмаса? Тўғри, бир қарашда хатолик хайдовчи ва чиптачидан ҳам ўтди. Негаки, йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган автобусга қоп-қоп юкларни ортининг ўзи ноқонуний ҳолат. Бироқ асосий муаммо бошқа ёқда. Яъни, оддийгина инсоний муомала маданиятини ҳам унутган аёл — уй бекаси — онанинг жазавога тушиб бундай даҳшатли сўзлар билан ёзғиришини қандай изохлаш мумкин.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологяси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ДФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Хурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳоҳамтез тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оқизлик, бепуштик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, ўқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштик, сабабсиз қон кетиши, туҳумдон кистаси, асабийлашиш, қўрқ ёшдан олган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Фағур Гулом» метро бекати.
МУЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02

Барча хизматлар лицензияланган.

Бахтли бўлинг! **Бахтли бўлинг!** **Бахтли бўлинг!**
Бахтли бўлинг!

ҚИЗИМНИНГ ТҮЙИНИ КЎРСАК
«Ҳуридийдамни жонимдан-да, яшш қўраман. Ўзи Барчинойим эсини танигандан буён на отаси, на мендан бирон дақиқа эшитганини эслолмайман. Ҳамиша уддабурон бўлиб, укаю сингилларига буюрган юмушнинг бажарилишига қуюнчақлик билан бош-қош бўлишдан «ёшига нисбатан катта-я», деб хайратланардим. Кўз тегмасин, деб ўзимча ирим ҳам қилиб юрардим. Мактабда аъло баҳоларга ўқиб, институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Катта жамоада ишлаб бошлади. Унинг тиришқоқлиги сабаб кўп ўтмай раҳбарлик лавозимига кўтаришди. Дастлаб, келган совчиларни танлайвериб, қизимизга тенг кўрмабдим. Кейин оғиз солимоқчи бўлганлар бизни тенг кўрмаса керак, дегандай сурштиришдан нари ўтмай қўйишди. Гоҳида отаси иккимизга афсус билан осмондан келиб қизимизнинг бахтини боғлаб қўйдик, деб пушаймон ҳам бўламиз. Шундай нуфузли ташкилотни бошқараётган қизимизнинг бахти бут, бир оиланинг бекаси бўлишини, фарзандлар қўриб, невараларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашини худаям истаймиз. Унинг **ёши 36 да**. Қорақалпоғистонданмиз. Бўлажак кўёвимизнинг ўз юртимиздан бўлишини ният қиламиз.
Сафарой хола».

КЕЛИНИМ ҚАЙНОНАЛИ БЎЛСА...
Болаларимнинг онаси Жамила маҳалладошим эди. Онам унинг тақимиға етадиган сочига ҳавас қилиб, «сочи бир қиз, ўзи бир қиз» деб мактаб, келинликига танлаганди. Ўзим ҳам Жамилани кўз остига олиб юрганам учун «онажон, сўзингизни ҳеч икки қилмайман, шу қизга уйланганим бўлсин», деганман. Тўйимиз баҳорда бўлганди. Жудаям тотув ашардик. Таниган-билганлар онам билан унинг муносабатини кўриб, «қайнона-келинмисизлар ё она-болами?» дейишарди. Кетма-кет тўрт фарзанд қўрдик. Уларни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказиб, эдингизга икки қизимизни узатиб, катта ўғлимизни уйлантиригимизда аёлим минг афсуски, оғир дардга чалинди. Ва... Ҳозир хайҳотдек ҳовлида кенжа ўғлим билан яшяпман. Катта ўғлимнинг ҳовлиси икки уй нарида, келиним иссиқ-совуғимиздан хабар олиб туради. Кенжамни уйлантириш таралдуғиданам. Ўйларим гални бир жойга қўйиб, уйланишимни, келинимнинг қайнонали бўлишини маслаҳат беришди. **Ёшим 63 да**. Тошкент вилоятида яшайман. Ёши ўзимга мос, меҳрибон, келинимга ҳам йўл-йўриқ кўрсатадиган қайнона бўлишга рози аёлга уйланоқчиман.
Раҳимжон ота».

БИР ХОНАДОННИ ГУЛЛАТАДИ
«Менинг Малоҳат исми дугона нам бор. Унинг уй тугуми, обрўли ташкилотда хизмат қилиши, ўғилчасини чақмоқдай қилиб тарбиялаётганини кўриб, II-гурӯх ногирони эканига ишонмайсиз. Турмуш ўртоғи вафот этгач, олий маълумотлиман-ку, деб қараб ўтирмай, таътил пайтлари ўқув марказларининг бичиш-тикиш, пазандалик курсларига қатнаб, хунар ўрганди. «Икки қўли солпа-соғлар ҳам сиздай элита пардалар, бундай кийимлар тиколмайди», десам, «Газетада ўқиганман, икки қўли йўқ аёл турруқхонадан боласини тишида тишлаб олиб чиқиб, тўрт мучаси соғ пахлавон қилиб, вояга етказган. Институтда ўқитган. Ўғлига суняиб тушган суратини кўриб, унинг матонатига қойил қолганман. Менинг-ку, бир яримта қўлим бор», дейди қилиб. Дугонамнинг **ёши 39 да**. Олти яшар ўғилчаси бирем ёқимтой. Тошкент шаҳрида яшайди. Қадрига етадиган диёнатли эркак бўлса, зора дугонам бахтини топса...
Баҳор».

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 оий ўқиш, 2 оий амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиги — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00 Босишга топширилди — 16:00	Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20 Мухбирлар: 234-25-46 Котибият: 233-04-35 Реклама бўлими: 233-04-50 Web-site: oilavajamiyat.uz	МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 700000 Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» Бозори ёнида	ОБУНА ИНДЕКСИ — 176 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 932. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9223 Навбатчи — Барно СУЛТОНОВА Саҳифаловчилар — Илхом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ Мусоҳахчилар — Сайдгани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА
	Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.		

ISSN 2010-7609 2 3 4 5